



Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

O'zingni angla!

№ 50 (560)

2007-yil

12-dekabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этмоқда.

Муштарийларимиз сафида


бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan ⇨ Chorshanba kunlari chiqadi ⇨ E-mail: hurriyat@mail.ru ⇨ http://www.hurriyat.uz

## ТАДБИРКОР НЕГА ХУНОБ?


— Бу ҳам етмаганидек, — дейди Исмаил Воҳидов, — «Сармижонл» ИПХ постида бизга — «Бухороавтотранссервис»га аъзо бўлган транспорт воситалари арзимас бахоналар рўқач қилиниб соатлаб ушлаб қолинмоқда.



⇨ 3-бет

## Европадаги энг баланд бино

Авилес маданий мажмуаси қурилиши умумий ҳисобда 22 миллион еврога баҳоланмоқда. Янги иморат Париждаги Помпиду маркази, Мисрдаги Искандария кутубхонаси ва Сиднейдаги опера театри каби дунёдаги энг йирик маданият марказлари қаторидан жой олади.



⇨ 5-бет

Ақмал Нур: «Асарларим эртан каби дунёни ажаблантиришини истайман...»

— Менинг ҳаёлий оламим билан ҳаётим дунёим ҳамма вақт ҳам бир хил эмас. Ижодда ҳам, руҳиятимни ҳам жилловлаш қийин. Руҳим софликдан юксалади. Кўнгилларни покловчи асарлар яратиш иштиққда ёнаман.



⇨ 8-бет

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 11 декабрь кунни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Фарғона округ сайлов комиссияси раиси Р.Тожиёв очди. Йирилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкни камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Фарғона ўзининг бетакрор табиати, бой тарихи, буюк алоқалари, юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Фарғона деганда, қадимий цивилизация ва маданиятни ўзда мужассам этган Марғилон, Қўқон, Қува сингари қадимий шаҳарлар, юртимиз шухратини дунёга ёйган Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхониддин Мағиновий сингари буюк алоқалар сиймоси кўз олдимизда намойиш бўлади, деди Ислом Каримов. Жорий йил

да Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонлангани мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Бугунги кунда вилоятда фаолият юритаётган ўнлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтирмоқда. «Азот» акциядорлик жамияти, Фарғона фурон бирикмалари заводи, Қўқон суперфосфат заводи каби корхоналардаги технологик янгилаш ва модернизациялаш ишлари натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортди, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Вилоятда етиштирилаётган пахта ҳосилининг 68 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Бу ҳалқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалиб, пенсия таъминоти такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошиб бораётганида намойиш бўлмоқда. Мамлакатимиз модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан Марғилон шаҳар қурилиш объекти дирекцияси директори Абдуқоди Хусанов, Республика «Хунарманд» уюшмаси Риштон ҳудудий бўлими аъзоси Йўлдош

али Полвонов, Тошкент Тиббиёт академияси Фарғона филиали ўқитувчиси Наталья Мартиненко, Фарғона давлат политехника институти талабаси Гулбаҳор Асқарова, Қўқон шаҳар «Мулоқот» телестудияси раҳбари Бурхон Шерматов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий урф-одатларимиз ҳамда буюк аجدодларимиз меросини тиклаш, янгиликларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қамол инсонлар қилиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь кунни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**В.ЛУҚМОНОВ,**  
**М.СУЛАЙМОНОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбири.**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмуҳамедова 11 декабрь кунни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

## ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Собир Раҳимов тумани маънавият ва маърифат кенгаши раҳбари Ф.Пармонова йирилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз са-

мараларини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳалқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда, ёшларнинг ўз билим ва салоҳиятини намойиш этиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон

Республикаси Президентлигига номзод Д.Тошмуҳамедова нутқ сўзлади.

Тошкент кимё технологиялари институтининг биринчи проректори Маҳфуза Қорахўжаева, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси Феруза Акромова, «Корёғди» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Миржамшид Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар ва сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь кунни бўладиган

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик тамойилларга амал қилинаётгани, миллий сайлов тизимларимиз халқаро нормаларга тўла мос келишининг ёрқин далилидир.

**Н.УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 11 декабрь кунни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

## АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қурбонқулов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Аъзамов йирилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳалқимиз фаровонлиги тобора юк-

салмоқда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга эътибор ва ғамхўрлик устуворлик касб этмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари муттасил оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.


Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев, Пскент туманидаги 42-умумтаълим мактаби директори Машура Раимжонова, Қиррай тумани «Байтқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини диний маърифат ва

маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Салимова ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат шаклланишидан, сайлов тизимларимиз умумэтароф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далolat эканлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь кунни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Х.САЛИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## 2008 йил — Ёшлар йили

Бугун ва эртанинг ҳал қилувчи кучи



Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз Тошкент 2008 йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. «Ойна ҳажон» орқали бу воқеани кузатиб ўтириб, бир ҳолатга гувоҳ бўлдик. Келгуси йилнинг қандай номланиши маълум этилганда, улкан зал беихтиёр қалқиб кетди, ҳамма ўрнидан туриб, бу қарорни олқишлади. Бу беҳиз эмас. Болажон халқимиз ўзининг ўсиб келаётган ёш наслини жондан қадр-

лайди, барча яхши нарсаларни ёшларга бағишлайди. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қўрсатиб ўтилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 миң нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 миң нафарни ёки 64 фоизини ташкил

этади. Шаклланган аъёнага мувофиқ «Ёшлар йили»нинг теглиши давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастури ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари сифатида ёш авлод манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастури ижросини янги босқичга кўтариш, фарзандларимизнинг касбага йўналтириш ишларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш даражасини кўтариш, шунингдек, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирларини қўлайитириш ва бошқа ҳаётимасалаларнинг ечими кўзда тутилмоқда.

Эту мақсадлар билан келажакка дадил интилаётган юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш умуммиллий даражасидаги юмуш сифатида қаралмоқда. Шу вазифани амалга ошириш мақсадида махсус билим юрғулариди, ўқув масканларида кўплаб амалий чоралар кўрилади.

«Ёшлар йили»да ёшлик жўшқинлиги ва куч-қувватининг улкан бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларга нафақат ишонч билдириш, балки ўзини амалда намойиш этиш учун майдонни кенгайтириш нияти изҳор этилди. Шубҳасиз, келажакимиз бўлган ёшларга эътибор, ғамхўрлик — эртанги кунимизга эътибор ва ғамхўрликдир.

**Луқмон ҲАКИМОВ**

## Манфаатдорлик ҳисси

ёки бугунги фермер кечаги бригадир эмас!

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар — эртанинг бугундан яхшироқ бўлиши учун ҳар бир соҳада ўзгариш, ривож топиши учун қўйилаётган қадамдир. Зеро, ислохот — ислохот учун эмас, инсон манфаатлари учун хизмат қилмоғи тайин.

Шу ўринда юртимиз истиклолга эришгандан буюн қанчадан-қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Уларнинг барини санашнинг имкони йўқ. Чунки ислохотлар ҳоқ иқтисодда бўлсин, ҳоқ ижтимоий соҳада, уларнинг натижасини бугун кўриб турибмиз. Масалан, айтайлик, бугунги 16 йил олдинги ҳаёт билан таққослаш, тенгма-тенг қўйиш мумкинми? Ёки атиги 16 йил аввал, яъни муқобилликимиздан олдинги ҳаёт ҳозиргидан яхшироқми?

Очиғи, деҳқонча қилиб ана шундай саволни қўйишимиздан маъно шунки, бугун бир ҳаққатни ҳамма тан олади: юртимиз мустақиллик туғайли бекиёс чирой очди. Дунёга юз тутди. Аввал бунча юксалишлар қайда эди?! Бугун одамларимиз бой ва тўқис яшамоқда. Уларни истагандек уй-жой қурапти. Машина олишяпти. Бир пайтлар ҳозиргидек уйлар қуриш тушга ҳам қирмаган. Бутун бошли кишлоқда бир-икки-та одамда машина бўлгучи эди. Бугун меҳнат қилган кам бўлаётгани йўқ. Истиклолдан аввал ким бирор уй курса ёки улов минса, уни сўроқ, тергов қуларди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасини олайлик. Мустақилликдан олдин қолқоқ, совхоз деган ҳўжалар бор эди. Секин-аста юртимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Бугун аввалги қолқоқ, совхозларнинг ўрнини эгаллаган ширкат ҳўжалиқларига ҳам барҳам берилиб, ер фермерлар ихтиёрига ўтди. Бугун Ўзбекистонда —

минглаб фермер ҳўжалиқлари фаолият юртимокда. Бундан атиги 20 йил бурун ҳаётимизда фермер деган номи қўйинг, тушунчанинг ўзи ҳам йўқ эди-ку. Шу боис, ер эгасини топмаган, ундан кўриладиган даромаду-буромад ҳам минг бир бўлакка бўлиниб кетарди.

Масалан, совхоз ёки ширкат ҳўжалигини олайлик. Ҳўжалиқ раиси, унинг ўринбосари, иқтисодчи, ҳисобчи, ёрдамчи ҳисобчилар, зироатшунос, ҳашаротшунос, омборчи-ю, қоровулгача бир ҳўжалиқда 40-50 киши гўё давлат корхонасидан маош олади-гандек — ҳўжалиқда ишлашарди. Булар албатта ҳаммаси эмас, ана шу ҳўжалиқда қандамда 5-6 та бўлим бўлиб, ҳар бўлимда ҳам худди шундай шатлар мавжуд эди: бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи муовини, механик, агроном, 10-15 та бригадир. Буларнинг бари раҳбарлар ҳисобланарди.

Бугунчи, бугун ҳўжалиқ раиси ҳам йўқ, бўлим бошлиғи ҳам, бригадир ҳам даркор эмас. Чунки ернинг ўз эгаси бор. Бригадир ҳам ўзи, раис ҳам ўзи, иқтисодчиси ҳам, ҳисобчиси ҳам, зироатшуноси ҳам — фермернинг ўзи! Бу ислохот жуда катта мураккаб жараёни босиб ўтди.

«Чунки фермер — бу қўйинчилик масулуятни ўз елкасига оладиган, мустақил фикрлайдиган одам. Онгли яшайдиган, биринчи галда ўз манфаатини кўзлайдиган, шу йўл билан ўзгаларни ҳам ишла қилиб, жамиятга нафи тегадиган киши».

Бу сўзлар муҳтарам Юртбошимизнинг бугунги фермерлар ҳақидаги таърифлари.

Дарҳақиқат, манфаатдорлик ва яна бир бор манфаатдорлик! Бугунги деҳқон ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини яхши англайди. «Мен манфаатдорман», деган туйғу устувор бўлмас экан, ерга ҳаққий эгаллик ҳисси бўлмас экан, фермер жамият ҳаётида ўзининг ўрнига эгаллик қилолмайди, — дея таъкидлаган эди Президентимиз.

Давоми 2-бетда.

## Юракдаги бегуборлик

Мамлакат тараққиёти, унинг нуфузи, эртанги кунни баркамол ёшлар қўлида. Уларнинг нечоғли билимли, тадбирли, жамиятга нафи тегадиган бўлиб воёга етиши эса, энг аввало ота-она тарбияси ҳамда устоз-мураббийлар жонқуярлигига боғлиқ. Мустақиллик шарофати билан билимдон, замонавий ўқитувчилар сафи борган сайин кенгайиб бормоқда.

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 178-умумтаълим мактаби хорижий тилларни ўргатишга иқтисослашган билим даргоҳла-

ридан биридир. Бу илм масканида 2330 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга 120 нафар малакали ўқитувчи турли фанлардан сабоқ беришмоқда.

Мактабга қабул қилинган ўқувчилар 1-синфданқонгилз тилини ўргана бошлайдилар. Бешинчи синфдан эса немис ва француз тиллари ҳам қўшилади.

— Тил билган — эл билди, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Зокирова. — Мактабимиз 2006 йилдан бошлаб Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида-

ги Синхак номли мактаб билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар йили мазкур мактабнинг бир неча ўқитувчи ва ўқувчилари юртимизга таширф буюришади. Инглиз тилида бемалол гаплаша оладиган ўқувчиларимиз уларни шахримизнинг тарихий обидалари билан таништиради. Биласизми, улар бизнинг мамлакатимизни жуда яхши кўришади.

Маълумки, ёшлар истиқлол туғайли халқаро танлов ва мусобақаларда қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Мактабимиздан

Таълим

сўнги йилларда ватан ишончини муносиб оқлаган иқтидорли ўқувчилар турли мамлакатларда ўтказилган беллашуларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Утган йили мактабни битирган ўқувчиларимизнинг 95 фоизи олий ўқув юрталари талабаси бўлдилар. Яна жуда кўли хорижий давлатларда тахсил оляпти. Албатта, бундай ютуқларнинг бошида ўқитувчиларнинг чексиз меҳнати ётади.

Давоми 4-бетда.

Хабар

## Янги нефть кудуғи

Кундан кун юртимиз иқтисоди янги босқичлар ила бойиммоқда. Бу галги хўшхабар Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидан олинди.

«Сурхон пармалаш ишлари» акциядорлик жамияти бурғуловчиларининг фидокорона меҳнатлари шарофати билан янги нефть кудуғи фойдаланишга топширилди. Олатемир қишлоғида жойлашган ва «Жанубий Миршоди-2» дея номланган ушбу кудуғ бир йил мудатда ўзлаштирилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу

вилоятдаги 150 га яқин кудуқ орасида ўзининг бой захираси билан ажралаиб туради. Айни пайтда «Жарқўрғоннефтьгаз» акциядорлик жамияти томонидан бу ердан кунига 20 тонна қимматбаҳо хомашё олинмоқда. Шу билан бирга «Қора олтин»ни қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди.

Даврон ОРИПОВ,  
«Хуррият» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бета.

Бу оқилона сиёсат натижасида йилдан йил мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кескин ўзгаришлар рўй берди. Биринчи навбатда одамларнинг ерга нисбатан муносабати ўзгарди. Ана шу ер меники, бугун у мени, эртага фарзандларимники, ундан сўнг невараларимники боқадди, деган ишонч ҳисси пайдо бўлди.

Шу боис ҳам бугун фермерлар мамлакат қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ўз ўрнига, салоҳиятига эга бўлди. Бир замонлар, аниқроғи ер — колхоз, совхозники бўлган пайтлар, жамоа ёки ширкат ҳўжаликлари деб номланган яқин йилларда ҳам галладан гектарига 15-20 центнер ҳосил олган қишлоқлар, бугун фермер бўлиб 70-80 центнерга ҳосил олишяпти. Пахтадан ҳам мўл маҳсулот етиштириб, юз миллионлаб даромад қўришмоқда.

Бир ҳаётий мулоҳаза: собиқ иттифок даврида минг-минг гектар ерга эга бўлган бутун бошли совхозлар йилни ҳаммаша зарар билан янқурлар, кей тийин ҳам фойда қўришмасди. Бўлмаса, у замонлар ҳам ҳамма ишларди. Пахтадан ҳосилдорлик учун у қадар паст кўрсаткичда бўлмасди. Демак, ҳамма гап — манфаатдорликда экан.

Президентимизнинг узюкни қўлаб, ҳалқимизга хос олиб бораётган сиёсати ниҳоятда оқилонадир. Хусусан, бу сиёсат — мамлакат қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Юртбошимиз жорий йилда мамлакатимиз пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табрикларида ҳам алоҳида қайд этганларидек, юртимиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмонини — Ўзбекистон тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ ҳўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги шакли бўлиши ҳусусий фермер ҳўжаликлари томонидан бўлиб етилди. Мамлакатимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 26 центнерни ташкил этиб, етиштирилган ҳосилнинг 86 фоизи биринчи навларга топширилгани қувончлидир.

Бу борада эришилган меҳнат галабасини Президентимиз юксак баҳолаб, ўз табрикларида жумладан шундай деган эди:

"Пахтачиликда сўнгги йилларда эришаётган бундай ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, ҳалқимизга азалдан мансуб бўлган омилкорлик, ишнинг қўзини билиб меҳнат қилиш, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш тўғриси, ҳаётга фаол муносабатнинг кучайиб бораётганини, муктасар айтганда, одамларимиз онгу тафаккурда юз бераётган муҳим ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш керак".

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган фармонлари ва қарорлари ижроси, ҳўкуматимиз томонидан бу соҳага берилётган молиявий ёрдам ва энгилликлар, иқтисодий имтиёзлар, илғор технологияларни соҳага жалб этиш каби омиллар муваффақиятлар гарови десак ҳақиқат бўлади.

Шу ўринда биргина мисол: пахтачилик тармоғида 2001 йилда фермер ҳўжаликлари бору-йўғи 333,9 минг гектар майдонда пахта етиштиришган бўлса, жорий йилда келиб, улар томонидан 1440 минг гектар ерда ёки юқорида айтганимиздек 100 фоиз майдонда гўза парвариш қилинди. Ҳалқчилик соҳасида ҳам ана шундай юқалишини кузатишди. Агар 1990-1992 йил-

ларда юртимизда жами галла майдони 770-870 минг гектар бўлган бўлса, ана шу майдоннинг қарийб 550 минг гектари лалми майдонлар бўлиб, лалмикор ерларда ҳосилдорлик гектар бошига атиғи, 7,5-9 центнерни ташкил этган. 2002 йилда галла ҳосилдорлиги 23,5 центнер ўрнига 42,5 центнерни ташкил этди. Бу йил мустақилликнинг 16 йиллиғида 6 миллион 250 минг тонна улкан галла хирмони бунёд этилди.

Бугун ана шу боис, юртимиз ўзининг юз фоиз галла мустақиллигига ҳам эришди. Қолаверса, минглаб фермерларимиз

робот тумани мисолида айрим таҳлилларга мурожаат қилмоқчимиз. Музоқот туманининг 2005 йил охири 2006 йил бошида қарздорлиги 7,5 миллиард сўмини ташкил этар эди. Ана энди ўзингиз туманининг иқтисодий аҳоли ва имкониятини тасаввур қилиб кўринг. Яхшиямки, ўтган йил бошида тумандаги деярли барча ширкат ҳўжаликлари ўрнида фермер ҳўжаликлари тузилиб, ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бу нарса кўпчилик учун қўлиммаган импўз ва муқофот бўлди. Ерни шудгорлаш, текислаш, эгат очиш, уруғ экишдан бошлаб, токи ҳосил пишиб этил-

2006 йилда 15325 гектар майдондаги гўзадан юқори ҳосил олишга эришилди. Олдинги йилга нисбатан 14180 тоннадан кўпроқ давлатга юқори сифатли ҳомашар сотилди. Биринчи марта туман деҳқонлари октябрнинг иккинчи ўн кунлигида давлатга 42050 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик режани 100,1 фоизга адо этишди. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 27,4 центнерни ташкил этди. Ёки бўлмаса олдинги йилга нисбатан ҳосилдорлик гектар бошига 9,2 центнерга ошди. Етиштирилган ҳосилнинг 87,4 фоизи юқори навларга сотилди. Бу эса деҳқонларнинг иқтисодий имкониятлари кенгайишига омил бўлди. Минг нафардан зиёд музроботлик фермерлар шартнома мажбуриятларини ошириб бажаришга эришди.

Бундай натижалар биргина галлачилик ва пахтачиликда бўлган эмас. Ислохотлар самараси бошқа соҳаларда ҳам буй кўрсатди. Жумладан, 2 минг тоннадан ортук туманда шол ишлаб чиқарилди. Фермер ҳўжаликларига айланган деҳқончилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа тармоқ вакиллари ҳам мақтовли натижаларни қайд этишди. Музробот туманида узоқ йиллардан буйн биринчи марта молиявий барқарорликка эришилди.

Ўтган йилда қишлоқ ҳўжалик қорхоналари ва фермерлар меҳнати натижасида 21,4 миллиард сўм даромад олинди. Бу олдинги йилга нисбатан 154 фоизга кўп демакдир. Йил давомида қилинган чўким ва ҳаражатлар қовланган ҳолда соф даромад 5,6 миллиард сўмини ташкил этди. Ишни яхши ташкил этиш, минерал ўғитлар, ёнилги-мойлов материалларини ўз вақтида етказиб бериш, агротехник тадбирларни босқичма-босқич олиб бериш, гўза ва галлага янги технология усулларини ишлов бериш самараси ана шундай иқтисодий барқарорлик вазиётини вужудга келтирди. Ўтган йилда ҳар бир гектар ердан олинган даромад 68,8 баробарга ошди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич олдинги йилга 3 минг сўмини ташкил этган эди.

Юқорида 2005 йилда туманининг қанча микдорда қарздорлигини келтиргандик. Мавжуд қарздорлик тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди. Қолган маблағлар эса қишлоқ ҳўжалик инфратузилмасини яхшилаш, янги объектлар қуриш, техника сотиб олишга сарфланди. Бир сўз билан айтганда туманда аҳолининг реал даромади олдинги йилга нисбатан 20,1 фоизга ўсганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Дарҳақиқат, ёлпасига фермер ҳўжаликларига ўтишинг дастлабки йиллик Музроботда қўлоқлик доғини ювишдан ташқари, иқтисодий барқарорлик ҳолатини юзгага келтирди. Бу эса ислохотларнинг исботлаб қилмайдиган ижобий натижаси десак хато бўлмас.

Энди қисқача сўз — жорий йилги натижалар ҳақида. 2007 йилги иқтисодий кўрсаткичлар — қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар самараси эканлигини кўрсатди. 2006 йилги иқтисодий натижалар, даромадлар салмоғи яна қарийб, бир бараварга ошди... Ана шу биргина туман мисолидан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тармоғи — юқалиш томон ўз бурди. Бунинг бош омиллари ўз эгасини топгани, деҳқон кўксига теккан мустақиллик шабадаси тўғрисидаги ўр имкониятлар яратилганидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 214 мингдан ошмироқ фермер ҳўжаликлари тузилди.

Улар эса асло кеңаги қўн одамлари эмас, кеңаги бригадирлар ҳам эмас. Янги замон, янги давр кишилари — мулк соҳибларидир.

Абдурашул ЖУМАКУЛ

# Манфаатдорлик ҳисси

галладан нафақат миллионлаб даромад, балки ўзларига ўн тонналаб галла олишмоқда.

Бу муваффақиятлар мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида ислохотлар раво йўлдан бораётганини билдиради.

Бугунги кунда фермерларга янада қўлайлиқлар тўғрисида, улар олдидаги тўсиқларни олиб ташлаш борасида ҳам кўпдан кўп хайрли ишлар рўёбга чиқаришмоқда. Энг муҳими, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётган. Айтилик, шу йилнинг ўзида иккита муҳим ҳужжат: малакатимиз Президентининг "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Бу Фармон ва қарорнинг моҳияти шу қадар катта ва муҳим аҳамиятга эгаки, юртимиздаги минглаб фермер ҳўжаликлари бундан жуда қувонмоқда.

Жумладан, сурхондарёлик фермер Жиянкул Рустамов шундай дейди:

— Президентимизга минг раҳмат. Дарҳақиқат, ерларнинг мелiorатив ҳолати ҳақида сўнгги йилларда қайғуришни кўпчилик ўйламай қолганди. Ахир, бу борада зарур чора-тадбир белгиланмаса, ернинг шўрланиш даражаси ошиб кетар-верса, юқори ҳосилдорликка эришиб бўладими? Шу боис, мелiorатив ишларнинг йўлга қўйилиши, коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш — жуда катта аҳамиятга эгадир. Фермерларга лизинг хизматларининг ёрдамига келиши ҳам яхши бўлаётган. Юртбошимизнинг бундай ғам-хўрлигидан биз деҳқонлар гоётда хурсандимиз.

Энди мулоҳазалар билан чекланиб қолмай, фермерлик ҳаракатининг юртимиздаги бир туман — Сурхон воҳасидаги Муз-



гўнча бўзчининг мокки-сидай деҳқон елиб-югурди. Ўрни келганда ҳамёнидаги маблағидан галлага ва пахтага агротехник ишлов бериш учун сарфлади. Чўнки, улар маъсулиятни, ориятни байроқ қилиб олишди. Ор талашинг, тендерда иштирок этиб, ер олишинг ўзи бўладими? Деҳқон ҳаммаси, маҳаллодашлари олдида изза бўлиш, ер чиқиб қолдишдан ҳаммиш андиша қилади. Ана шу андиша ва орият галла ва пахтага рисоладагидек ишлов беришга ўндади. Натижада 11179 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 41,7 ўрнига 50,1 центнердан дон етиштирилди. Жами етиштирилган дон 56001 тоннани ташкил этди. Энг муҳими олдинги йилга нисбатан 2285 тоннадан кўпроқ дон сотилди ёки давлатга 27506 тонна юқори сифатли бугдой топширилди.

Ҳисоб-китоб жуда инжиқ нарса. У фирмомлики ёқтирмайди. Юзга яқин музроботлик фермерлар уюшмасидан К.Нарзиёев бошлиқ фермер йиллик режани 300 фоизга бажарди. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий ислохотлар тўғрисида ерга бўлган муносабат тубдан ўзгариши натижасида туман аҳолиси жон бошига 555 килограммдан дон ишлаб чиқарилганлиги ҳақида гап эмас.

Айниқса, пахтачиликда яқин ўн йилликда музроботчилик бундай натижага эришмаганди. Шунинг айтиш кераки, деҳқон вақтдан ютиш учун гўза зараркунданларига махсус мосламалар орқали кўл билан ишлов берди. Деҳқонни эгаллик ҳисси ана шундай фидокорона меҳнат қилишга ҳаммиш даъват қилиб туради. Биринчи навбатда гўза навларига эътибор берилди. Туманда биринчи ва иккинчи репердукцияли чигит экилишига эришилди. Ўз намида кўкартириб олинган чигит қатий агротехник тадбирлар асосида парваришланиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Айниқса, гўза зараркунданларига қарши курашда биологик усулга таянган яхши натижа берди. Хуллас, фермерларнинг пешона тери беиз кетмади.

## Истеъмолчи ҳуқуқи

аҳоли ўртасида янада кенроқ танилаётганидан, қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий билим савиясининг ортиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мурожаатларнинг аксарияти, яъни 38,4 фоизи коммунал хизмат соҳасига, 31,4 фоизи савдо, 2,3 фоизи соғлиқни сақлаш ҳамда 13,2 фоизи эса алоқа ва транспорт сингари соҳаларга тааллуқлидир.

Келиб тушган аризаларнинг 93 фоизи истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан ижобий ҳал этилиб, истеъмолчиларнинг қўнган зарарларини қоплашга эришилди. Жумладан, Тошкент шаҳар истеъмолчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси томонидан 2007 йил 9 ойи якунига кўра, қўриб чиқилган шикоят ва аризаларга асосан истеъмолчиларга етказилган 31 миллион 276 минг сўм, Фарғона вилоятида 13 миллион 10854 сўм моддий зарар ундириб берилди.

Хусусан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Лабзак» маҳалласи Шохидонтепа кўчасида истиқомат қилувчи истеъмолчилар электр тармоғи қувватининг тез-тез паст ва баланд бўлиб ўзгариши оқибатида истеъмолчиларнинг мулкларига зарар етётганини юзасидан ариза билан мурожаат қилди. Мазкур ҳолат Тошкент шаҳар электр тармоқлари қорхонаси томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси» томонидан 2007 йил 9 ойи якунига кўра, қўриб чиқилган шикоят ва аризаларга асосан истеъмолчиларга етказилган 31 миллион 276 минг сўм, Фарғона вилоятида 13 миллион 10854 сўм моддий зарар ундириб берилди.

Самарқанд шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти томонидан эса аҳолининг табиий газ билан таъминлаш бўйича ҳақамлик судига шаҳар газ таъминоти қорхонасига нисбатан давво аризаси билан мурожаат этилди. Суд истеъмолчи аризасини атрофлича ўрганиб чиқиб, вилоят ҳақамлик судининг ҳал қилувчи қарорига кўра, истеъмолчиларга қўйилган 3 миллиард 198 миллион 212 минг ҳамда 8 миллиард 939 миллион 753 минг сўмлик қарздорлик асосиде деб топилди. Натижада 12.137.965.700 сўм тўлов мажбурияти истеъмолчилар ҳисобидан чиқарилди.

Кўриниб турибдики, ҳақ-ҳўқуқини билган истеъмолчи қўқимлайди. Меҳнат билан топилган сармояси беҳуда сарф бўлмай, кўнгли тўқ, кайфияти чоғ бўлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА, «Хуррият» муҳбири.

## Эҳтиром

### Моҳир журналист, меҳрибон устоз



Донишмандлар ҳаётнинг маъносини камолотда деб билишган. Комиллик эса одамларга, жамиятга тегадиган наф билан боғлиқ бўлган. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам "Одами эрсанг демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами" деб беркорга айтилган.

Албатта, ҳар бир инсон бунга интилади ва унга эришиш мақсадида ўзига хос йўлдан боради. Ҳар ким ўз касб-кори, ўз истеъдоди орқали юрт наҳақига ҳисса қўриш истагида яшайди.

Маҳмуджон Орипов Ўзбекистон телевидение-сидаги узоқ йиллик фаолияти билан ана шундай шарафга эришган инсонлардан. У киши иқтисодий-ижтимоий мавзудаги долзарб чиқувлари, "Стандарт ва сифат", "Ўздавуот сиз учун" каби туркум кўрсатувлари билан эл озғига тушди. Шу билан бира, журналистика остонасидаги юзлаб ёшларни ўз эътиборига олиб, уларга телевидение-нинг сир-асрорларини астойдил ўргатмоқда. Бугун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида фаолият олиб бораётган журналист ва техник ходимларнинг яқин Маҳмуджон Ориповнинг мактабиде "пишган" десак муболага бўлмайди.

Устоздан умр бекатлари, эришган ютуқлари ҳақида сўраганимизда, у киши телевидениеимизнинг бугунги тараққиётига назар ташлаш лозимлигини айтиди. Яъни, меҳнат фаолияти тўла-тўлаида шу соҳа билан боғлиқлигини, муваффақиятлари ҳам телевидениедаги улкан ўзгаришлар тўғрисида эканлигини ўқитди.

Бугунги телевидение замон билан ҳамнафас одимлаётган ийрик тизимга айланди, — дейди Маҳмуджон Орипов. — Чўнки у мустақиллик йиллари давомида тубдан янгиланди. Моддий техника базаси, эфирга узатилаётган телекўрсатувлар ҳажми, телесигналлар қамрови жиҳатида Ҳамдўстлик давлатлари орасида нуфузли телекомпаниялардан бирига айланди. Бу албатта ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Мамлакатимиз Президентини эътибори, ҳўкуматимиз томонидан ажратилган маблағлар эвазига телевидениедаги деярли барча ускуна ва жиҳозлар янгиланди. Кўнча телевидение станциялар, энг сўнгги русумдаги телекамералар, видео ва аудиоомтаж аппаратлари келтирилганини таъбирланганга ва узатилаётган телекўрсатувлар сифатини бир неча баробарга ошириш имконини берди.

Маҳмуджон Орипов бу йил эллик ёшга қаршилади. Телевидениеининг кеңаси ва бугунини кўрди. Ҳаётнинг аччиқ-чўчугини тоғди. Биз у кишига яна кўп йиллик қизгин ижод тилаймиз.

Оқола УМАРОВА, Бердирахмат ТўХЛИЕВ.

Бир танишим сотиб олган дазмолини ўн кун ҳам ишлатмай яроқсиз ҳолга келганлигини айтганди. Мен эса унга дазмолни харид қилган дўконига дўкон кассасидан берилган чек билан биргаликда олиб боришини, у ерда яроқсиз дазмолни таъмирлатиб ёки бошқасига алмаштириб олиши кераклигини айтдим. Шундан сўнг ордан биров вақт ўтди. Яқинда ана дўгонани учратганимда: «Сотувчи сифатсиз дазмолни таъмирлатиб берди, на бошқасига алмаштирди на пулини қайтарди. Бекорга вақтимни йўқотиб, асабимни бузганим қолди», деди қўниб. Маълум бўлишича, сотувчи унга «Бизда сотилган маҳсулотлар қайтиб олинмайди» деган қатъий жавобни айтибди.

Эҳтимол, дўгонани истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳўқуқини билиб, тегишли идорага мурожаат этганида муаммо ижобий ечимини топган бўларди.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ўзининг худудий тузилмалари имкониятларини мувофиқлаштириб, аввалги доимий амалга ошираётган асосий фаолият турларини давом эттирган ҳолда бир қатор йўналишда тадбирларни амалга оширди. — дейди Республика Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси раиси Рустам Ҳақимов. — Жумладан, аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида амалдаги қўнун ҳужжатларини кенг тарғибот этиш юзасидан «Ижтимоий ҳимоя — истеъмолчи ноғиронларнинг ҳуқуқлари» рисо-ласи нашр этилди. Шунингдек, федерация ва унинг худудий тузилмалари томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билимлари ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида турли соҳа, йўналиш ва мавзуларда истеъмолчилар орасида ўқув-услубий семинарлар, уршуш ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Республика Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда жорий йилнинг 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини қўчайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан уларга масолаҳат хизмати кўрсатиш борасида федерациянинг барча худудий бирлашмаси ҳузур-ида ҳамда бир қатор туман жамиятлари қошида жами 78 та «Масолаҳат марказлари» фаолият олиб бормоқда.

## 4076 та мурожаат уларнинг аксарияти ўрганилиб, ижобий ҳал этилди



сиде тарғибот ишларини қўчайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан уларга масолаҳат хизмати кўрсатиш борасида федерациянинг барча худудий бирлашмаси ҳузур-ида ҳамда бир қатор туман жамиятлари қошида жами 78 та «Масолаҳат марказлари» фаолият олиб бормоқда.

Айни вақтга қадар федерация ва унинг худудий тузилмаларига истеъмолчилар томонидан улар ҳуқуқларининг пайлом этилиши юзасидан 4076 та мурожаат келиб тушган. Эътиборлиси, мазкур кўрсаткич ўтган 2006 йилнинг 9 ойлик якунига нисбатан 140,21 фоизни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг

## Қисқа сатрларда Бугуннинг нафаси

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги» номли фотокўргазма бўлиб ўтди.

Суратларнинг муаллифлари асосан юртимизда фаолият кўрсатётган дипломатлар ва сайёҳлардир. Бу йилги — учинчи кўргазмага 22 мамлакатдан 55 ҳаваскор ўзи олган 710 та суратни тақдим этган. Улардан энг яхши 177 асар ажратиб олинди. Кўргазмага қўйилган суратлар мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида ҳам намойиш этилади.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Болгария ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги ўзаро алоқалар қўллаб соҳалар қатори сайёҳликда ҳам изчил ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли қуов-меҳаник заводига вагон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Компания бosh менежери Н. Абдуллаевнинг айтишича, вагонлар 160 минг км. юргач таъмирлаш муҳтож бўлади. Шу боис компания йилга 1,5 минг янги вагонга эҳтиёж сезади. Янги ишлаб чиқарилаётган вагонлар эса ана шу эҳтиёжни қоплаш имконини беради.

Зомин туманида замон талабларига мос янги деҳқон бозори ишга тушди. 1,5 гектар савдо майдонига эга бозорда 71 та дўкон, 5 та умумий овқатланиш шохобчаси ва 480 ўринли расталари бунёд этиш учун 1 млрд. 716 млн. сўм сарфланди. Шундай қилиб, Зомин тумани аҳолиси бир вақтнинг ўзида 4 минг харидорга хизмат кўрсатадиган деҳқон бозорига эга бўлди.

Буюм бозорининг қурилиши эса келгуси йил режададан ўрин олган.

Дунё миқёсида сўнгги 10 йил ичида сайгоқлар сони 90 фоизгача камайиб кетган, — деб хабар беради Region Inform ахборот хизмати. — Антилопанинг бу тури асосан катта даромад келтирадиган шохлари ва гўшти учун овланади. Ўзбекистон ҳам сайгоқларни сақлаб қолиш бўйича халқаро альянс аъзоси.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган анжуман сайгоқларни сақлаб қолиш йўлида қилинаётган ишларга бағишланди.

Ўзбек халқ ўйинларининг ёш авлод маънавий камолотида тутган ўрни мавзусида Жиззах шаҳрида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда қарийб 500 бўлаёзган халқ ўйинлари билан боғлиқ кадрятлар мустақиллик йилларида тикланаётгани, ташкил этилаётган миллий халқ ўйинлари фестиваллари, «Алпомиш», «Тўмарис» каби спорт мусобақаларини йил сайин ёшлар орасида омаллашиб бораётгани таъкидланди. Шунингдек, нафақат спорт, балки мусиқа, қўшиқ ва драматургия ўйинлиги маҳсули бўлган халқ ўйинларининг ёшларни соғлом воғга етказиш, уларда миллий кадрятларга бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришдаги муҳим аҳамиятига урғу берилди.

2007-2010 йилларга мўлжалланган давлат инвестицион лойиҳаси доирасида Тошкент-Термиз автомагистралининг Сурхондарё вилояти худудидан ўтувчи 143 км. қисми 7,5 дан 11,5 метргача кенгайтирмоқда. Халқаро аҳамиятга эга йўлларнинг 33 км. қисми ва давлат аҳамиятидаги 11 та автомобиль йўлларининг 51 км.лик қисмида ўрта таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, «Сурхондарё автотўли» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоты томонидан илгари ширкат ҳўжаликлари балансида бўлган қишлоқ автомобиль йўллари инвертациядан ўтказилди.


Сирдарё вилоятида пиллачиликни ривожлантиришда асосий омил бўлган тутзор

Фаолият

# Ахборот хизматлари: МАҚСАД, БУРЧ ВА МАҲОРАТ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Давлат ҳокимияти органлари ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда матбуот хизматларининг ўрни" мавзусида ташкил этилган тадбир жамиятда ахборот эркинлиги, унинг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари, матбуот хизматлари фаолиятига дахлдор муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги қизгин баҳс-мунозарга айланди.**

Биз ахборот фавқулодда мўжизага, қудратли воситага, ҳатто даҳшатли қуролга айланган замонда яшай турибмиз. Эндиликда ҳар қандай давлатнинг қуч-қудрати ва салоҳиятини унинг нечоғли ахборотга эгаллиги белгилаб бермоқда, десак заррача муболага бўлмайдими. Ахборотлашганлик даражаси жамиятлар мавқеи кўрсаткичи ҳисобланмоқда. Зеро, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафаккурини шакллантирувчи қучга эга. Ахборот тақчиллиги, етарли даражада ҳолис эмаслиги эса аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқини поймол этади. Айни шу нуқтаи назардан ҳам республикамизда фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари қонуан қафолатланганлигидан истаганча факрланганимиз мумкин.



Бунга эришишнинг ягона йўли эса ахборот алмашинуви ва ахборот шаффофлигини таъминлашдан иборат. Хўш, давлат органлари томонидан жамоатчиликни ахборот билан таъминлаш замирида жамият учун қандай манфаатлар ётади, деган савол туғилади.

Дарҳақиқат, жамиятда мазкур ҳолатнинг йўлга қўйилишининг аҳамияти ниҳоятда катта. Жумладан, бу фуқаролар манфаати учун хизмат қилади; жамиятда фикрлар хилма-хиллиги таъминланади; жамиятнинг эркинлашуви шартли яратилади; фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки ортади; давлат идораларининг ҳалқ ва жамият олдидagi ҳисобдорлиги таъминланади ва умумлаштириб айтганда, жамиятни ахборотлаштиришга эришилади.

Бу борада дунё таърибасида яратилган механизмлар, юқорида таъкидланганидек, матбуот хизматлари зиммасига юкланган. Матбуот хизмати, матбуот қотиби, ахборот маркази, жамоатчилик билан алоқалар хизмати эндиликда нафақат йирик ташкилот ва корхоналарда, балки замон талабини ҳис этган ҳар қандай муассасаларда ташкил этилмоқда. Ушбу янгилик шарофати билан миллий журналистикада маъмурий журналистика институти вужудга келди. Мазкур институт доирасида ҳозирга қадар ўнлаб матбуот хизматлари кенг жамоатчилик орасида назарга тушиб улгурди (давлат органлари томонидан 60 дан ортиқ Интернет веб-саҳифалари ташкил этилди). Ҳатто айтиш мумкинки, республикада ўзига хос ахборот хизмати журналистлари контингенти шаклланди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши эса матбуот хизматлари институти мақомига аниқлик киритди, мазкур тизимнинг янада ривож топишига кенг йўл очди. Қарорда давлат ва ҳўжалик органларида ахборот хизматларини ташкил этиш,

идора фаолияти ошқоралигини таъминлаш, олиб борилаётган ислохот самаралари тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор этиш мўҳимлиги белгилаб қўйилди.

Тўғри, эришилган ютуқлар қатори камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас, албатта. Мисол учун ахборот хизматлари ўз таъсисчилари ҳақида асосан ижобий руҳдаги маълумот тарқатиш билан чекланишини нормал ҳолат деб аташ қийин. Ахборот хизмати ўз таъсисчилари фаолиятига доир танқидий руҳда ахборот тарқатиши мумкинми? Борди-ю, тарқатса, таъсисчи ўз хизматидаги ахборот тарқатувчиларга нисбатан қандай муносабатда бўлади?

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мана шундай "қалтиқ" саволлар жавобсиз қолиб кетмоқда. Ахборот хизмати ҳодимлари ўзларидан мавжуд бўлган ахборотни яшириши, очилган веб-саҳифаларга ойлаб (ҳатто йиллаб!) янгилик киритилмаслиги сингари нуқсонлар мавжудлиги — алоҳида муаммо.

Назаримизда, масалага ойдинлик киритишнинг ягона чораси — ҳолислик. Ахборот хизмати ўз вазифасини биринчи навбатда идора манфаатларидан келиб чиқиб эмас, кенг жамоатчилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда адо этмоғи зарур. Чунки матбуот хизмати маъмурий маънода ўз таъсисчиларига бўйсунса, ижодий маънода эркиндир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот хизматларининг вазифалари фақат ахборот тарқатишдан иборат эмас. Улар тегишли идора йўналишидаги мавзу-муаммоларнинг кенг аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ этиш, туғилажак саволларнинг жавобсиз қолмаслиги, тегишли ҳужжатларнинг, ҳуқуқий янгиликларнинг ўз вақтида оммалаштирилиши сингари вазифаларини ҳам адо этишликлари зарур. Адо этганда ҳам, юксак маданият, дид ва ижодий маҳорат асосий мезонга айланмоғи зарур.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда ахборот айланиши туганмас ва тўхтамас жараён, шунинг учун ҳам мазкур жараёнга жон бахшида этиб турувчи мустақкам тизим бўлмоғи даркор. Токи бу тизим туфайли шахс, жамият ва давлат ўртасида доимий алоқа, ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва муроаса мўҳити вужудга келади, шаклланади. Ҳозирда республикамизда мавжуд бўлган ва эндиликда ташкил топажак ахборот хизмати вакиллари ўз зиммаларидаги ушбу бурчга лойиқ фаолият юритишларига ишонса бўлади.

**Фахриддин СОЛИЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси, депутат.**

Яқинда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида Олий педагогика институтига "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлов" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар ва институт тингловчилари иштирок этишди.

Тадбирда институт директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Шарофов иштирок этиб, жумладан, шундай деди: — Очигини айтганда, кейинги йиллар давомида нафақат биз, катталар, балки ёшлар ҳам Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимизда тутган ўрни, қадр-қимматини, ҳуқуқ ва бурчларимизни чуқур англаб етмоқдамиз. Бу эса Асосий Қонунимизни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг самарасидир. Энг мўҳими, бугунги ёшларимиз Конституция ҳар дақиқада зарурлигини тушуниб етишди.

Бу ўз навбатида жамиятимизнинг барқарор тарққиёти ҳамда амалга оширилаётган улкан ислохотлар мазкур тушунчаларнинг онгу-шууримиздан қанчалик теран ўрин олишига ҳам боғлиқдир.

Ҳуқуқий билимлар олишнинг бўлимиш Асосий Қонунимиз ўзининг барқарорлиги билан қай даражада пухта ва ҳаётий эканлигини бугун даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Унинг энг мўҳим жиҳатларидан яна бири — фуқароларнинг шахсий,

## Ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолати

ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари ҳам кафолатланганлигидир. **Э.ЭГАМБЕРДИЕВ,** **ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети декани ўринбосари, юридик фанлар доктори:**

— Ҳар бир шахснинг давлат ва жамият олдидаги бурчлари ҳам белгилаб қўйилган. Буюқ мутафаккир Цицерон "Ўз бурчини бажаришдан мамнун одамгина эркин яшайди", деган эди. Демак, адо этилган бурч инсоннинг дилига мамнуният, қониқш, ҳатто гурур бахш этади.

Ҳозир яна бир мўҳим масала ҳақида ҳам тўхталмоқчи эдим. Мамлакатимизнинг миллий истиқлол гоёси ва мафқурасида энг аввало ҳалқимизнинг қадимий ва бой тарихи мужассам бўлган. Ёшларга унинг мазмун-моҳиятини асосий тамойилларини тушуниши ва сингдиришида Конституциямиз-

га таяниш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Бош Қомусимизни изчил, мукамал ўрганиш — талабаларни нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан шакллантиради, балки қомил инсон бўлиб улғайиш учун зинан ҳам яратади. Олий Мажлис Қонунчи-



лик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И.Саифназаров 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақида маъруза қилар экан, аввало, сайлов қонунчилиги ва тамойиллари, уни ўтказиш пиринциплари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига алоҳида тўхталди. Шунингдек,

**Раъно САЙФУЛЛАЕВА,**  
**Ўзбекистон Миллий университети профессори.**

Тадбир

бу йилги сайлов жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги халқаро тажрибаларни ҳам таҳлил қилди. Учрашув катнашчиларининг кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарди.

— Олий педагогика институтига нафақат ўз мутахассислигимиз бўйича маъна оширишимиз, турли хил учрашув ва баҳс-мунозараларда иштирок этиб, зарур маълумотларга эга бўлишимиз, — дейди Бухоро давлат университети доценти А. Аҳмедов. — Бугун мамлакатимизда ёшлар қамолоти йўлида, хусусан, таълим тизимида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари тўғрисида Президентимиз Конституцияимизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маърузасида маърузасида ҳам алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, истиқлол ҳалқимизга ўзгичанинг, янги демократик давлат қуриш йўлида ўз имкониятларини кўйиб қолмаслик, моддий ва маънавий бойликларимизга тўла эгаллик қилиш, уллардан оқилона фойдаланиш, ўз кўчимиз ва билимимизга ишониб ҳуқуқини берди.

Тадбир давомида иштирокчилар мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди. Шунингдек, ёшлар ўзларини қизқирган саволларга атрафлиқ жавоб олишди.

**Раъно САЙФУЛЛАЕВА,**  
**Ўзбекистон Миллий университети профессори.**

Ҳамкасб

эгаллаган кўплаб йирик иншоотлар қурилиши, сонаот ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларида оддий меҳнатқашлар ҳаёти, истиқлол йилларида қўлга киритилган буюқ ўзгаришларни репортаж ва лавҳаларда акс эттириб келмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят ўлкашунослик музейининг намойишлар залида "Олам Шухрат Олимов нигоҳида" мавзусида муаллифнинг юздан зиёд фотоасарлари кўргазмасини ташкил этди. Тантанада сўзга чиққан Фарғона вилоят ҳокими Абдулхалим Абдуллаев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Муҳаммад Амин, "Халқ сўзи" газетаси фотомухбири, "Олтин қалам" халқаро танлови қолиби Тоҳир Ҳамроқуловлар Шухрат Олимов фотожурналистикага юксак маҳорат билан ёндашиб оддий воқеа ва ҳодисалар, қаҳрамонлар юз ифодасини санъат даражасига етказиб ўз тасмасига муҳрлаб олгани, мавзуларнинг ўзига хослиги, унда жамият ва одамлар ҳаёти тўлақонли тасвирлар билан уйғунлашгани, фотожурналистнинг бу борадаги маҳорати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Кўргазмадан ўрин олган сара асарлар ижодкорнинг олам, одамлар ҳақидаги қузатишлари ёрқин лавҳаларда акс этгани билан ихлосмандларга манзур бўлди.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
**Ҳошимжон НУРИДДИНОВ.**

## Суратга олиш ҳам... ижод!

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири Шухрат Олимов 60 ёшда

Ижодга мойиллигини сезган ота-оналари унга авваллига рубоб олиб беришди. Кейинчалик уни "Смена" фотоаппаратига алмаштириб келганида ҳам қўлаб-қувватлашди. Қўлида "аппарати" билан катта-ю кичикнинг ҳаёт дақиқаларини "муҳрлаш" Шухрат ака учун бир умрлик



лашга ва изланишга ҳамда катта ижод мактабига етаклади. Дастлаб, Пахтаобод туман рўзномасида ўз суратлари билан республика матбуоти саҳифаларида ҳам кўрина бошлади. Натияжада ёш фотожурналистининг ижодий изланишлари ўз самарасини бериб, устозлар томонидан эътироф этилган, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири сифатида 35 йилдири, фаолият кўрсатмоқда. Шу йиллар мубойида республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мўҳим ўрин

**Мамлакатимизда транспорт хизмати соҳасида мустақилликнинг илк давридаёқ кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Ва ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ соҳада хусусийлаштириш, соғлом рақобат мўҳитини шакллантириш борасида қисқа муддат давомида кўзга кўринарли натижаларга эришилди.**

Ана шундай янгилик ва ўзгаришларни кўрган Исмат Воҳидов бу соҳада қарий қирқ йиллик таърибага эга бўлгани боис, янги имкониятлардан фойдаланишни, тадбиркорлик билан шуғулланишни астойдил ниёт қилди. 2002 йил Тошкентдаги "Тошхартранссервис" ОАЖга қарашли "Бухороавтотранссервис" хусусий корхонасини ташкил қилди. Уша пайтда хусусий транспорт воситалари хийла кўпайган бўлса-да, лекин алоҳида-алоҳида фаолият юритишарди. "Бухороавтотранссервис" қисқа муддат ичида қандай иш юритишни билмай юрган анчагина шахсий транспорт эгаларининг бошини қовуштирди: улар бир жойга тўпланиб аҳил жамоага айланди. Албатта, бу ишлар қонуний, ўзаро шартномага мувофиқ амалга оширилди. "Бухороавтотранссервис", "Ғиждувон-Тошкент", "Тошкент-Ғиждувон" йўналиши бўйича тендер қолиби бўлганидан кейин иш янада қизиди. Унинг сағига қўшилишни истаган хусусий

# ТАДБИРКОР НЕГА ХУНОБ?

транспорт эгалари сағи кенгайди. Исмат Воҳидов Ғиждувон туманидаги "33-автокорхона" хиссадорлик жамияти ва унинг таркибидаги "чоқкир тулпорлар" автошўхбekaтга билан икки томонлама шартнома имзолади. Шартномага мувофиқ "Бухороавтотранссервис" "33-автокорхона"нинг ҳандаги (ямадан фойдаланадиган, битта хонасида эса техник ҳодимлари ўтириши ҳамда ҳайдовчилар тиббий кўриқдан ўтишига келишилди. Иш дастлаб рисоладагидек давом этди: "Ушбу автокорхона маъмурий биносидан бўш хона ажратиб берди, автобуслар ўз вақтида техник, ҳайдовчилар эса тиббий кўриқдан ўта бошлади. Бундан табиийки иккала томон ҳам мамнун бўлди.

"Бухороавтотранссервис"нинг иши юришиб кетганлигини шундан ҳам билса бўладики, орадан қўл муддат ўтмай 74 нафарга яқин хусусий транспорт эгалари билан шартнома тузишга эришилди. "33-автокорхона" эса бу даврга келиб иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолади ва "Бухороавтотранссервис"дан 10 та автобуснинг "Ғиждувон-Тошкент", "Тошкент-Ғиждувон" оралиғида қатнашга рухсат беришини илтимос қилади. Ҳамкори

эмасми, Исмат Воҳидов бунга розилик билдиради. Тендер қолиби сифатида келишув шартномасини имзолаб, 2007 йил 30 август ва 27 сентябрьгача автошўхбekaтга қарашли бўлган 10 та тезуор автобусга рухсатнома беради. Бизнингча, ўзаро келишмовчилик шундан кейин бошланади. Чунки орадан қўл ўтмай автошўхбekaт бир қанча автобус ва микроавтобусларни ғайриқонуний тарзда ижара олиб

ҳеч қандай гувоҳнома-сиз, йўл харитасисиз ва ҳатто лицензиясиз йўналишга чиқара бошлайди. Бундан хабар толган "Бухороавтотранссервис", "Ғиждувон — Тошкент" автошўхбekaтини бир неча марта оғохлантиради. Лекин улар ҳар гал ўртада тузилган ижара шартномасини рўқач қилишаверади. Бу эса табиийки, ҳайдовчилар ўртасида ҳам турли тушунмовчиликларни келтириб чиқара бошлайди. "Ғиждувонтранс" автошўхбekaтини кенг бундай ҳаракати Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил мартдаги 303-сонли қарорига мутлақо зид эди. Шундан сўнг Исмат Воҳидов бундай ғайриқонуний ҳаракатнинг олдини олиш мақсадида Бухоро ва

Навоий ИИБ ЙҲХБ вакилларига мурожаат қилади. Энг хайратланарлиси, ана шундан кейин "Бухороавтотранссервис" хусусий корхонаси ҳам "33-автокорхона" ҳам неғадир Бухоро вилоят ИИБ ЙҲХБга ёмон кўришиб қолади. "33-автокорхона" ижара шартномаси асосида "Бухороавтотранссервис" учун ажратилган хонасини муҳрлаб, у ердаги ҳодимларини кўчага ҳайдаб солади ва 26 кун ёпиб қўйилади.

"Бухороавтотранссервис" ҳодимлари салкам бир ой, аниқроғи ёзнинг чилласида — 1 июндан 26 июнга қадар кўчада иш юритишга мажбур бўлишади. "Бухороавтотранссервис"нинг "33-автокорхона" таркибидаги "Ғиждувонавтотранс" автошўхбekaти томонидан бир қанча транспорт воситалари, ғайриқонуний равишда йўналишга чиқариб юборилаётгани ҳақида Бухоро ИИБ ЙҲХБга 2007 йил 7 майда ёзган хатига жавобан "...муаммо ва низоларни ҳал қилиш учун "Ўзавтотранс" агентлигининг Бухоро вилояти бўлимига мурожаат қилишиниз мумкин" дейилди. 2007 йил 3 май куни "Ўзавтотранс" агентлигининг Бухоро вилояти бўлими бошлиғи В.Ҷа-

новга қилган мурожаатида "Бухороавтотранссервис" хусусий корхонасининг йўловчи ташвиш фаолиятини тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Ва унга "33-автокорхона"нинг 2007 йил 31 апрелдаги "Бухороавтотранссервис" хусусий корхонасига тегишли транспорт воситаларини техник, ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш хизмати тўғрисида тузилган шартнома шартлари бажарилмаганилиги хусусидаги хати асос қилиб кўрсатилади. Ва ана шу сабабли "Бухороавтотранссервис" хусусий корхонасининг иш фаолиятини ўз ваколатиниз доирасида қўриб, унга тегишли бўлган тендер қолибига тўғрисидаги гувоҳнома ва берилган лицензиясини мuddатидан олдин бекор қилиш чорасини қўриш лозимлиғи ўқтирилади. Қизиқ ҳолат. Модомики, ижара шартномасини "33-автокорхона" бекор қилган ва бу иш низоли экан тендер натижасини ҳамда шартнома бекор қилиш — суднинг иши эмасми. Қолаверса, республика даражасида имзоланган ва берилган ҳужжатни қандай қилиб унинг вилоят бўлими бекор қилиши ёки фаолиятини тўхта олиши мумкин? — Бу ҳам етмаганидек, — дейди Исмат Воҳидов, — "Сармижон" ИҲҲ

Журналист суриштируви

**Шавкат НОСИРОВ,**  
**"Хуррият" мухбири.**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

# Юракдаги бегуборлик



— Ха, ўқитувчи — бу сўзда қанчадан-қанча мазмун, бекиёс меҳр, улкан саховат мужассамлашган. Еш авлодни дунёнинг мазмуни, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш бўларнинг ҳамма-хаммаси муаллимларнинг зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам эл ўқитувчиларни азиз устоз деб алқайди. Аммо устоз номига муносиб бўлиш қийин, — дея давом этади Нигора Зокирова. — Дарсни қанчалик яхши ўтсангиз, болаларни тушунсангиз, фарзандингиздай қабул қилсангиз уларнинг билими ошиб бораверади. Ўқитувчи учун ўқувчиларнинг камолини кўришдай бахт йўқ.

Мен ёшлигимда ўқитувчи бўлишни жуда истардим. Онам бир воқеани кўп эслайдилар. Қўшни маҳаллаларнинг бирида Талиб исмли ногирон йигит яшарди. У ҳам мен ўқиган мактабда ўқирди. Бир оёғи оқсоқ бўлгани учун дарсларга етиб келолмасди. Доим кеч қолгани сабаб яхши ўзлаштиролмади. Айниқса, қиш кунлари жуда қийналарди. Мен мактабда алоқчилардан эдим. Шундай кунларнинг бирида онам мажласта солгандилар: «Кизим, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз лутф этганларидек: Кимки бир кўнгли яримнинг хотирини шод айлагай, онча борким, қаъба вайрон бўлса, обод айлагай». Ўрни кўнгли шикаста одамнинг холидан хабар олиб, унга шодлик улашиб вайрон бўлган қаъбани тиклаш билан баробар экан. Сен ҳам ана шу ақидага таяниб иш қилгин. Бугундан бошлаб ҳар кун Талибжонларнинг уйига борсан. Унга фанларни яхши ўзлаштиришда кўмаклашасан. Онамнинг гаплари сабаб мен бу вақт толдими, Талибжонларникига чопардим. Унга физика, математика, рус тили фанларидан дарс тайёрлашга ёрдамлашардим. Шундай машғулотлар ёрдамида у мактабимизнинг энг аълочи ўқувчиларидан бирига айланди. Ҳали ҳамон асимида, унинг хур-

сандчилигини кўриб ич-ичимдан ўзимни катта ўқитувчилардай ҳис этганман. Уша йили қиш каттиқ келиб, кунлар анча совиб кетди. Каттиқ шамоллаб анча кун Талибжонларнинг уйига бора олмадим. Янги йил арафаси эмасми, кўнглимни бир нарсга кемирарди. Мен у билан дарс тайёрлашга бутунлай ўрганиб қолгандим. Биз кутган янги йил ҳам келди. Уша кун ҳаммамиз байрамни нишонлаб ўтирганимизда уйимизга тўсатдан қорбобо кириб келди. У оила аъзоларимизга совға-саломлар улашди. Менга эса қиш кунли бўлишига қарамай, бу даста турфа хил атиргул гулдас-тагани совға қилди. Бу кутилмаган совғадан уйимиздагилар ҳайрон бўлишди. Бу эса менинг энг биринчи инсонлардан олган атиргулларим эди. Не кўз билан қарамай, ўша қорбобо Талибжон эди. Хурсандчилигимнинг чегараси чексиз эди. Талибжон билан кейинги учрашувимиз менинг қувончимни икки

хиссага ошириб юборди. Унга синчиклаб назар соламан. Менинг укажонимни оёқларини операция қилишибди. Мени кўриб чопқиллаб келиб сўраша кетди. Ҳозирда Американинг нуфузли университетларидан бирида тахсил оляпти. Менинг ўқитувчи бўлишимга сабабчи бўлган ўша атиргуллар орқали тақдир этилган меҳр эди.

Бу ҳикоятдан сўнг кўнглимда алланечук туйғулур янада кучайгандек бўлади. Сўхбатдошимнинг қалби янада ақинрок туюлади менга.

— Нигора Низомий номидаги педагогика институтини тугаллаш, ушбу мактабга ишга келди, — дейди мактабнинг маърифий-маънавий ишлар бўйича директор ўринбосари Нодира Мусаева. — Уни аввалдан яхши билардим. Ундаги тиришқоқликни кўриб, шу мактабда ишлашни таклиф қилдим. Ахир, мактабимизда иқтидорли, тиришқоқ ўқитувчилар кўпайсин дедим-да. Иш бошлаганига

дорини очиб бориш учун ранг-баранг роллар ижро этишини талаб қилади. Ўғлимда бир иқтидори борлигини устози орқали билиб қолдим. У ўз навбатида қаттиққўл устоз.

...Мактаб даргоҳларининг кўркам ва замонавий бўлгани яхши, албатта. Аммо мактабни мактаб қиладиган, нуфузини оширадиган, унинг сифати шубҳасиз юқори малакали ўқитувчилар ва уларнинг ўз ишига садокати ҳамда интеллектуал салоҳиятидир. Ахир, келажак бочка, мактаб остонасидан бошланади. Фарзандларимизнинг мана шу илм даргоҳидан ўрганганлари уларнинг тафаккурида қарор топган дастлабки илм тошга ўйилган нақшдай умрбод ўчмайди. Шундай экан, мактаб мураббийлари маънан етук, оқил ва фозил, меҳридар, замоннинг чинакам зиёлилари бўлмоқлари тақозо этилади.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб улғаймоқликлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Қолаверса, бу қадар саховат, бундай гамхўрлик хислати бизга отамерос. Ўтган йили ушбу мактабда ўқитувчилар орасида бўлиб ўтган танловда «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» деган шарафли номига сазовор бўлди. Дарвоқе, маҳалла аҳли Нигора Зокирова ҳақида нима деркин? Чунки ким бўлишидан қатъи назар у ҳақида энг ҳолис баҳони маҳалла аҳли беради. Унинг фазилатлари ўша даргоҳда юзага чиқади. Шу боис унинг кўшнларидан бири Зухра Назировани сўхбатга чорладим.

— Нигороҳон энг фаол аёлларимиздан, — дейди у. — Қўшнларга меҳрибон, оқибатли: Маҳалладаги болаларга ҳам устозлик қилади. Қўшнилик одобини у кишидан ўргансақ арзийди.

Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА

Исон ўз гоёси, ўз қарашлари иймон-эътиқоди, гурури, ўз гурури билан яшайди. Уни умумлаштирган ҳолда бир сўз билан гоё эътиқоди, мақсад-муддоси улуғ киши деб биламиз. Дарҳақиқат, ўзлик, маънавият, маърифат, тарих, миллат ва сийosat, тушунчалари мустақиллик гоёси билан сугорилмас экан-ҳуррият ва эркинлик ҳур фикрлик ҳақида сўз бўлмайди. Айтиш жоиз, яъни, гоёли киши фикри, эътиқоди, миллий маданияти бўлади. Унинг мафкураси, тушунча ва тафаккурининг пойдевори нимада? Мафкура-арабча сўз бўлиб: «Фа-қа-ра» — тафаккур, «аф-кор», «го» каби шакллари англатида. Демак, ўйламоқ, фикрламоқ, гоё-йўналишга эга бўлмоқ мазмунини ифодалайди. Дарҳақиқат, инсон доимо фикрлайди, гоё-йўналиш, иттиҳил ва эзулик билан яшайди. Унинг гоёси негизда яхшилик ва ёмонлик, одамийлик ва мунофиқлик, эркинлик ва мутолук, озоодлик ва қарамлик қабилар ётади. Аммо, биринчи гоёли шахс-асл шахс бўлиб ҳисобланади. Бирок, ким қандай гоё билан яшаши-унинг фикр қўлами, маънавий хислати, дунёқарashi, замон талабига мослиги ёки мос эмаслигига кўра белгиланади. Бу ўринда тафаккур-мафкурани гоё билан чалқаштирмалик зарур. Чунки шахс қамоли билан боғлиқ бу тушунчалар давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган бош омил бўлиб ҳисобланади. Миллий мафкуравий йўналиш-Истиклол гоёси билан йўғирилганда, ўз-ўзидан маълулми, Мустақил давлат тараққиёти илгариллаб кетади. Маънавияти тараққи қилмаган халқ ўз мустақиллигини мустақамлаш олмайдиган, гоёси ўлади.

Президент Ислам Каримов Олий Мажлиснинг VII сессиясида: «Ички сийosat, мамлакатимиз ҳаёти тўғрисида кўп гапираримиз. Ватанимиз манфаати ташқи сийosatда ҳам ички сийosatда ҳам узқони 10-15 йилни олдидан кўриб, сезгирлик билан фаолият юритишни тақозо этади... Биз қийин шароитда келажакимиз пойдеворини кўриб олдик. Ўзбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади. Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», деб таъкидладилар. Бу ўринда Юртбошимиз Мустақиллик гоёсини бунда ва бугунги кун талаби нукта-назардан шарҳлади: ташқи ва ички сийosat гоёси, истиклол гоёси, фаровон турмуш гоёси, миллий мафкура ва нийоят буюк давлатчилик гоёси қабилар. «Биз турли муҳожир ва савдоларга дуч бўлиб қолмаслигимиз учун атрофга зийраклик билан назар ташлашимиз, одамлардан теран дунёқарашни шакллантиришимиз керак». Юртбошимизнинг қатъий бу сўзи гоёимиз, мафкураимиз пойдеворидир.

Ҳар мустақиллик гоёси ҳақида борар экан, у билан эмқодон ватанпарварлик туғунисига ҳам алоҳида тўхташмай ололжамиз йўқ. Чунки, миллийлик, миллий ўзликни англашда-Ватанини севиш, унинг тарихи, қадриятлари нечоғли чўқур ўрганилса меросимизга бўлган қадр-қимматимиз шунчалик ортиб боради. Тарихни билиш гоёси ўша халқнинг улкан ютуғи, истиклолини англаш демак. Австриялик ўзбек математиги Шусан Аҳмад ўғли «Тарихдан беҳабар одам кўр одамга ўхшабди-каёққа етказилсанг. Уша ёққа кетаверарди», деганида минг бор ҳақ эди. Демак, ватандошимиз, тарих мустақиллик гоёсини шакллантиришда катта роль ўйнашини қатъий таъкидлайди. Бу айни пайтда миллий мафкураимизнинг тамал тоши ҳамдир.

Юртбошимиз: «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», тарихисиз мустақиллик гоёси негизда тарих, тарихий жараён этилиши, мустақил фикрловчи Яхё Ғуломовдек олимлар етишиб чиқши, ўз мактабини яратиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Тарих гоёси мустақил ва ҳаққоний бўлиши лозим. Агар бундай гоё бўлмаса-четдан гоё келиши мумкин. Бунинг учун мустақиллик гоёси ҳам маънавий, ҳам ўзгиримизни англашда, ҳам миллий мафкураимизни бойитишда, ҳам сийosat борасида жамият манфаатини қўлаш нийоятда зарурдир. Юртимиз ва халқимиз ўз еттинчи йилдики мустақиллик шарафати ила ўз истиклолини бунёд қилмоқда. Демак, халқимизнинг энг катта бойлиги мустақил давлатга эга бўлиш ва жамиятнинг миллий гоёсига эришидир. Шунинг учун ҳам ўзбеклар, ўзбекистонликлар мустақил гоёли бадавлат Ватан эгаларидир.

XX аср бошида «Миллатларга-Истиклол, инсонларга-хуррият» фикри Туркистон халқларининг

# Миллий гоё ва мафкура — истиклол тинсоди

асосий шиори бўлганлигини «Хуррият» газетаси бот-бот ёзди. Ваҳоланки, халқимиз, қариб тўрт асрга яқин (XVI-XX) ўз эрки ва озолиги учун курашди, айниқса подшо Россияси босқини даври асоратда толесиз ўлкамизда ўз гоёси учун Истиклол гоёси учун кураши давом этди. XX асрнинг 18-20-йилларида истиклол учун кураш ниятида авж олди. Бу давр — ёш шурулар даври эди. Шурулар эса уларни «босмақчилар» деб юртишди. Аслида, улар буюк истиклол учун курашчилар — миллий озоодлик ҳаракати вақилари эди. Бу жаҳдада истиклолчилар ўз гоёлари-Мустақиллик гоёлари ва унга эришиш учун қон тўкишди.

Мустақилликни мустақамлаш йўлида илк ўртага ташлаган Президент гоёларидан бири миллий тикланиш гоёси эди.Ислам Каримов мамлакатнинг ички ва ташқи сийosatи гоёси, сўнгра беш тамойил гоёси ва миллий мафкурасини ишлаб чиқди, ҳаракат механизминини (ҳаётга татбиқ

қилиш-К.Н) яратди. Чунки, мустақиллик гоёси тикланмаса давлатнинг миллий манфаатлари қўланмаса, унинг ҳаётбахлигидега бош йўналишга қандай зарурат бор. Орадан кўп ўтмай мустақиллик гоёси тикланди, миллий мафкура шаклланди. Энди-чи миллий гоё ва мафкураининг негизини мукаммал ва аниқ билишимиз, улар асосида мақсад ва вазифаларимизни белгилаб олишимиз бугуннинг муҳим вазифаси. Дарвоқе, миллий гоё ва мафкураининг бош мақсади мустақилликни мустақамлаш, келажак буюк Ўзбекистонни бунёд қилиш, жаҳондаги нуфузли мамлакатлардан бирига айлантиришдир. Миллий гоёнинг бош вазифаси Ўзбекистон фуқаролари тафаккурини Ватанига садокат руҳида тарбиялаш, беназир бир мамлакатни вужудга келтириш, барча онг-шуурини ана шунга қаратишни назарда тутишдир. Диний эътиқодим, иймон-виждоним, руҳий кечинимнинг салтанатини ҳамма-ҳаммаси бир гоёни Ватан соғинчи, истиклолини ўйлаш лозим. Демак, Ўзбекистонда миллий гоёнинг бош мақсади келажак буюк давлат қуриш бўлса, миллий мафкураимиз эса мамлакат Президентини Ислам Каримов таълимотиини ўзлаштиришга қаратилади. Давлат бошлиғидан бошқа ким ҳам миллий мафкураининг ривожланишини тўғри йўлга солиши мумкин!? Юртбошимиз нафақат ислохотларнинг, балки миллий давлат суверенитетининг, ўзбек давлатчилиги моделининг ҳам муаллифи эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Инчунун, давлат бошлиғи вазиятини аниқ баҳолашни, тўғри ечимини топишни, одамларнинг миллий мафкураини ҳис қилишларини рўбга чиқариши учун сафарбар қилиш ниятида уларнинг ақлидрокси ва гайратининг шижоатига таъсир қилишни воқеаларнинг бориши ҳамда сийosatи жараёнларнинг заруратга қарай йўналишини ўзгартириши, мамлакатнинг иқтимоий-иқтисодий ривожланишидаги моделлаштиришни чўқур билса-у, албатта объектив равишда ўша давлатнинг бош ва асосий мафкурачисига айланади. Давлат бошлиғи-бош миллий мафкурачининг барча ишларни амалга оширишда ташаббускор бўлиши тарихан зарур бўлиб, уни ҳис этишни ўз ичига олувчи тараққиёт- ички манба шаклидир. Бу эса ташаббускор орқали назария ва амалиётнинг бирилаш қўланган мақсадни амалга ошириш омили ҳам! Бу борада Йўлбошимиз олиб бораётган улкан фаолиятлари асосида мамлакатни бошқаришнинг стратегик ривожланиши мезонлари ва тамойиллари, миллий мафкураининг асосий қоидалари ишлаб чиқилди ва амалиёт мезони бўлиб қолди. Шунингдек, миллий мафкураини шакллантиришда мамлакат раҳбарининг роли миллий манфаатлар интихоси жараёни билан ҳам белгиланади. Миллий манфаатлар интихоси шахс, айрим иқтимоий қатламлар ва гуруҳлар ҳамда жамият манфаатлари мажмуидир. Уларни аниқ тушуниш ҳамда таърифлаш учун тегилиш қоида, гоё ва мафкура яратиш асосида давлатни бошқариш амалиёти, халқаро муносабатларда аъло-

## Ўзлик

## Далолат

2007 йилда иқтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий ҳаражатларига нисбатан 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз бўлиши белгиланган.

## Текин бойлик «шайдо»лари

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги «Уч қаҳрамон» кўчасида қундалик юмушлари билан кетаётган Ш. Қурбонова номаълум талончиларнинг ҳужумига учради. Аёл ўз хаёллари билан бўлиб оқсадан ёмон ниятда таъқиб қилиб келаётган йигитларга эътибор ҳам бермаган эди. Текин бойлик вазасаси ақлини ўғирлаган икки йигит ҳимоясиз аёлга қуч ишлапти, бундаги занжирини юлиб олишди ва номаълум машинага ўтириб гоёиб бўлишди.

## Ичкилик тўғриси оламдан ўтди

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги маҳалла гузари олдидан ҳўси-сиз ҳолда ётган одамни кўрган кишилар хавотир билан унга яқинлашишди ва ҳайратдан донг қотишди: ақлидан мосуво ҳолда ерда ётган кимса кекса аёл экан. Атрофдагиларнинг ёрдами билан аёл тезликда шифохонага олиб борилди, бироқ тиббий муолажалар ҳам фойда бермай жон таслим қилди.

## Сўнги пушаймон

Хусусий тадбиркор П. Петросян ишбилармонлик фаолиятини бошлар экан, ҳалолликни эмас, ғирром ва алдов билан даромад топиш йўлини танлади. Хорижий мамлакатлар билан импорт муносабатларини йўлга қўйган ишбилармон саводдан тўшаётган маблағни банк ва бохжона идораларидан рўйхатдан ўтказишни эп кўрмади.

# «Чипта сотамиз, кеп қолинг!»

наҳотки бундай хунук манзараларга чек қўйишнинг иложи бўлмаса?



Халқимизнинг яхши кунлари, байрамлари кўп. Айниқса, ана шундай қувончли айёллар арасида маданият саройларино концерт заллари янада гажумлашади.

Яқинда дўстларим билан концертга тушишни ният қилиб, пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройига йўл олдик. Сарой кассаси олди одамлар билан тирбанд. Кейин билсак, чипта олувчидан сотувчи кўп экан. Биринчимиз билан саккизтаси қўлидаги чипталарни бурнинизга тақайди:

- Қайси концертга?
- Қайси қатордан?
- Нечта жой?

Биз эса уларга ишонмай, кассага бош суқдик. Лекин кўнглимиздагидек жой топилмагач, «ишониниш»га мажбур бўлдик. Машҳур қизқичи Хожибой Тожиевнинг дастурига тўртта жой кераклигини айтганимизда бир аёл:

- 24-қатордан бор. Фақат учтаси ёнма-ён, биттаси нарироқда. Концертга эртароқ кириб, ўтириб олаверасизлар, — деди.
- Йў-э, —дедик биз, — у жойнинг ҳам оғаси борку. Яна тушунмовчилик бўлиб, томоша бошланганидан кейин ҳам жойимизни тополмай юрмайлик.
- Унда яна бир йўли бор.Мана, 6,7,8-жойларни оласизлар. 79 рақамининг эса «7-сини ўчириб қўямиз. Шунда 6,7,8,9 бўлади...

Шу ўринда бир мулоҳаза.Ҳозирдан барча чипталар компьютерда тайёрланапти. Концертнинг қайси саройда ўтиши маълум, демакки ундаги қаторлар, ўриндиклар сони ҳам аён. Шундай экан, чипта тайёрланаётганда ўриндиклар рақами нега кўрсатиб ўтилмайди? Яна бир йигит балқондан жой таклиф қилди. Биз эса ўртароқдан жой кераклигини айтганимизда, у ҳеч иккиланмай «бор» деди. Бироз бурун кўрганимизда, унинг қўлида бундай чипта йўқ эди. Маълум бўлишича, бу сотувчилар кассадаги «хамқори» орқали исталган ўринни топиб бера оларкан.

Дарҳақиқат, кассадан сўраганимизда «йўқ» дейилган чипталарни бу йигит айнан ўша кассадан олиб чиқди. Албатта, бундай «хизмат»дан сўнг нарх ҳам ошди: етти минг сўмлик чипта ўн икки мингга, саккиз минглик эса ўн беш минг сўмга сотилди.

Уйлаб қоламан. Қандайдир олибсотарларнинг бу қилмишини концерт саройи мутасаддилари наҳотки, бартафат қила олишмайди?

Уларнинг ушбу ҳолатдан хабарлари йўқми ёки бундан ўзлари ҳам манфаатдорми?

Ажаблანарлиси, мажкур манзара ҳақида биринчи марта айтилаётгани йўқ. Лекин ҳали ҳамон олибсотарларнинг «уддабурон»лигидан ҳар кун йўлба тўртдошларимизнинг қайфияти бўзилиб, ранжшмоқда.

Наҳотки, кассалар атрофида ўралашиб юрадиган ўзбошимчалар фаолиятига чек қўйиб бўлмайди?!

Фазлиддин СУЎНОВ, талаба.

## Криминал

Ўтказиши керак. Мазкур талабни назар-писанд қилмаган П. Петросян 26 миллион Россия рубли миқдоридан валюта маблағларини тўловлардан яшириб, ўз чўнтагига «урди».

Давлат газнасига тўланиши керак бўлган тўловлардан қочиб юрган шахслар бу қилмишлари билан ўзларига зарар етказаятганларини вақтида англашмайди. Англаган пайтларида эса ҳаммаси кеч бўлади.

## Отарга ўғри оралади

Бу ҳодиса Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида рўй берди. Қундалик одатига кўра отардаги қўйларни боқиб юрган чўпонлар гараз ниятли кимсаларнинг ҳужумига дучор бўлишди. Чўпон аҳли табиатдан кўнгли очик ва ишонувчан эмасми, ўзини бийойидек тутаётган икки ўсимир куппа-қундуз қуни босқинчилик қилиши уларнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Лекин отар атрофида ўралашиб юрган бу йигитлар чўпонларни қуч ишлашти йўли билан қўрқитиб, уларга бириктирилган 42 баш қўйни ҳайдаб кетишди.

Тезкор қидирувлардан сўнг икки гумондор — 1986 йилда туғилган Б. Алберт ва 1983 йилда туғилган М. Дилшод ҳибсга олинди.

## Охирига етмаган «операция»

Янгийўллик Р. Аҳмедов ҳам-шаҳри У. Маллаев 5000 АҚШ долларини сотмоқчи эканини эшитганидан кейин тинчинан йўқотди. Нима қилиб бўлса ҳам хориж валютасини сотиб олиш ҳаракатига тушди. Шу мақсадда У. Маллаевни ўз хонадонига чақирди. Бирок пана-пасткамдаги савдо охирига етмади. 5000 АҚШ долларини 6 миллион 325 минг сўмга қонунга ҳилоф равишда сотаётган ҳуқуқбузар прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан қўлга олинди.

Р. Аҳмедовнинг хонадони қўздан ке-чирилганда эса 225 АҚШ доллар, 4,1 минг Россия рубли, 320 минг Қозоғистон тенгеси, 12 миллион 195 минг сўм ва 1 дона сарик рангли металл танга топилди.

ИИВ матбуот маркази ва Бosh прокуратура ҳузуридаги департамент хабарлари асосида тайёрланди.

Карим НОРМАТОВ, профессор.

Тиббиёт

Жуда қисқа вақт ичида республикамизда жаҳон андозаларига мос рақобатбардош хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилди.

Кинезитерапия маркази

бу ерда беморлар тигисз ҳаракат билан даволанади



шундаки, ҳомиладор аёлларнинг бел атрофидаги оғриқ, ортиқча вазн, томир касалликлари, кон босимининг ошишидан ҳам халос этишда асослади.


— Анчадан буён умуртқа поғоналаримда оғриқ бор, устига-устак кўзим ҳам оғриб, узоқни яхши кўролмапман.

ушундан бир мuddат олдин разведка идораси 2001 йил 11 сентябрь воқеаларига дахлдор деб гумон қилинган шахсларни қийноқлар остида сўроқ қилиш жараёни акс этган видеотаъсирларни йўқ қилгани маълум бўлган эди.

Статистик маълумотларга кўра бу усулда даволанган беморларнинг 80-90 фоизи шифо топади.

Йўқотилган видеоёзувлар изидан

АҚШ адлия вазирлиги мамлакат Марказий разведка бошқармаси томонидан йўқ қилинган видеоёзувлар юзасидан текширув бошлади.




Текширув ўтказишдан мақсад ҳужжатларни йўқ қилиш сабаб-оқибатларини ўрганишдан иборат.

даги манбага таянган ҳолда разведка бошқармаси қийноқлар акс этган ёзувларни йўқ қилиб юборганини ҳақида хабар берган эди.

Марказий разведка бошқармаси бошлиги Майкл Хэйдэн видеоёзувлар разведка учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагани ва улар йўқ қилинмаси, яширин суръатда ишлайётган агентларга таҳдид солиши мумкинлигини маълум қилган.

Европадаги энг баланд бино



Испаниянинг Авилес шаҳрида қуриладиган маданият маркази Европадаги энг баланд бино бўлади.

умумий ҳисобда 22 миллион еврога баҳоланмоқда. Янги иморат Лондондаги Барбикан галереяси, Париждаги Помпиду маркази, Мисрдаги Искандария кутубхонаси ва Сиднейдаги опера театри каби дунёдаги энг йирик маданият марказлари қаторидан жой олади.


янги иморат тархитектор Оскар Нимейер томонидан чизилган. Ушбу меймор БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган бош қароргоҳи бизнес лойиҳасини яратиш билан тилга тушган.

Маданият мажмуаси лойиҳаси 14 декабрь кунини архитектор Нимейернинг 100 ёшга тўлиши муносабати билан жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Оскар Нимейер 1907 йилнинг 15 декабрида туғилган. У дунё тараққиётида муҳим из қолдирган энг танқили 100 киши қаторида қайд этилган.

Adidas раҳбари миш-мишларни рад этди

Германиянинг Adidas спорт кийимлари компанияси ҳеч қандай қаршилик билан Adidas раҳбарлари миш-мишларни рад этди.



Герберт Хайнернинг таъкидлашича, агар ушбу миш-мишлар ҳақиқатга бўлган тақдирда ҳам монополияга қарши идоралар бу каби шартномани тасдиқламайди.

Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида "Муносиб яшаш тарзи учун" (The Right Livelihood Award) мукофоти ўз эгаларига топширилди.




Стокгольмда нуфузли мукофот тақдироти

2007 йилда "Муносиб яшаш тарзи учун" мукофоти шри-ланкалик судья Кристофер Вирантанига (халқаро ҳуқуқни ривожлантириш, ҳусусан, ядро қуролига қарши кураш йўлидаги ҳаракатлари учун), кениялик жамоат ҳаракати фаоли Декха Иброҳим Абдига (этник ва диний зиддиятларни бартараф этиш йўлидаги ҳаракатлари учун), канадалик фермерлар Перси ва Луиза Шмайсерга (Усимликларнинг биохилма-хиллигини сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари учун) ва "Грамин

Шакти" энергетика компаниясига (Бангладеш қишлоқларида 120 минг қўёш электр генераторлари ўрнатгани учун) тақдим этилди.

Совриндорларни тақдирлаш маросими Швеция парламенти — риксдаг биносида бўлиб ўтди. Ушбу халқаро мукофот 1980 йили Якоб фон Укскуль томонидан таъсис этилган. "Муносиб яшаш тарзи учун" соврини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ҳуқуқлари, таълим, соғлиқни сақлаш каби йўналишларда берилади.

Францияда умуммиллий иш ташлаш



Франция транспорт тизими ишчилари касабга уюшмаси 24 соатлик умуммиллий иш ташлаш ташкил этиши ҳақида баёнот берди.

Париж транспорт бошқармаси касабга уюшмаси вакили иш ташлаш 12 декабрь кунини, яъни бугун соат 19:00 да бошланиб, пайшанба кунини айни шу вақтга қадар давом этишини маълум қилган.

Аввалроқ иш ташлашлар уюштирилиши Франция ҳукумати ҳамда касабга уюшмаси раҳбарияти ўртасида ўтказилган музокаралар натижаларига боғлиқ экани айтилган эди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг ноябрида Францияда транспортчиларнинг тўққиз кунлик иш ташлаши бўлиб ўтди.

Норозилик чиқишларида ҳукумат томонидан пенсия соҳасида ўтказилиши режалаштирилган ислохотлар сабаб бўлган. Транспортчилар ислохотлар оқибатида бир қатор имтиёзлар бекор бўлишидан хавотирга тушганлар.

Грипп инфаркт ва инсульт хавфини оширади

Инглиз олимлари инфаркт ва инсульт касалликларини нима учун кўпроқ киши оилада кўзгаланиши аниқлади.



Том Мид раҳбарлигидаги тадқиқот гуруҳи икки миллиондан ошми бемор тўғрисида маълумотлар жамланган базани ўрганиб чиқди.

ҳафта ичида инфаркт ва инсульт касаллигининг кўзгаланиши хавфини икки баравар ўсиши маълум бўлди.

Саводсизлар сони — 774 миллион

БМТнинг фан, маданият ва санъат масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти — ЮНЕСКО саводсизлик муаммосига бағишланган ҳисобот эълон қилди.

Саводсиз аҳоли сони кўпчилиги бўйича биринчи ўринда Ҳиндистон қайд этилган.

Мутахассисларнинг таҳминига кўра, ҳисоботда номи қайд этилган 101 давлатдан 72 таси 2015 йилга қадар ҳам саводсизлик кўрсаткичини камайтира олмаслиги мумкин.

Иш бошқа, орзу бошқа...

Араб давлатларининг ягона валюта жорий этиш борасидаги ҳаракатлари ҳозирданок қаршилиқка учраётти

Сўнгги пайтларда Форс кўрфазига жойлашган араб мамлакатларининг жаҳон сибсатида таъсири ошаётгани кузатиляпти.



Қил сургандек орон кечмаслиги турган гап. Қолаверса, яна икки йилдан кейин ягона валютага ўтишни илдам қилаётган давлатлар таваққулчиликдан мулоҳазасизликни устун қўядиган, сибсатда етти эмас, етмиш ўлчаб иш юритиладиган "огиркарвон" араб мамлакатлари эканини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Утган ҳафта Қатар пойтахти Доха шаҳрида ташкил этилган Кўрфаз давлатлари ҳамкорлик кенгаши (Gulf Cooperation Council)нинг йиллик йиғинида ҳам ана шу тушуномовчилик яна бир бор намоён бўлди.

Бир қарашда аъзо давлатлар томонидан ҳужжат имзолангани ҳамма муаммо ҳал бўлганидан далолатдек: кенгаш қарори қабул қилинди.

ташкил этди. Ушбу кўрсаткич, кенгаш давлатларида, дейлик, Саудия Арабистонидан 4,3 фоизга тўғри келди.

Бу ўринда миллий валюталарининг қадр-қиммати борасида сезиларли фарқ мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Африка қитъаси 1945 йилдан бери ягона валюта (афрони) муомалалар киритиш бўйича музокаралар олиб боришдан қарачамаяпти.

Кинезитерапия хусусий даволаш марказида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган беморлар ўз саломатликларини тикламоқдалар.

Шифохонада остеохондроз, сколиоз, умуртқа диск чурралари, бўғим касалликлари (елка, сон, тизза), бош айлашиш хасталиги, умуртқа поғонасида бўладиган касалликларни жарроҳ тигисиз даволашга эришиляпти.

Шу кунларда ушбу шифо масканининг моддий-техника базасини бойитиш устида яна бир қатор янгиликлар яратилди.

Зулфия опа билан хайрлашар эканмиз, у бир гални қайта-қайта такрорлади: мамлакатимизда ҳар бир касалликка даво топиладиган замонавий ва ўз устида изланиш олиб бориб, янгиликлар яратадиган шифокорлар кўп бўлиши истардим.

Бир қарашда аъзо давлатлар томонидан ҳужжат имзолангани ҳамма муаммо ҳал бўлганидан далолатдек: кенгаш қарори қабул қилинди.

Биргина мамлакат миқёсида миллий валюта жорий этиши жараёни қанчалик оғир кечди. Шундай экан, бир неча давлатнинг умумий тўловга ўтиши хамирдан

Дилфуза ДАВЛАТ қизи, журналист.

Шарҳ

ҳолат.

Мазкур масалаларда ҳар бир араб давлати аравага ўзи истаган томонга тортаётганининг яна бир сабаби, ҳозирда амалда бўлган барча миллий валюталар АҚШ доллари билан боғланган.

Дарвоқе, Қатарда ўтган анжуманда 2008 йилнинг 1 январидан Кенгашга аъзо олти давлат ўртасида умумий бозорни ташкил этиш тўғрисида ҳам декларация қабул қилинган.

Собиржон ЕКУБОВ



**Машраб ҳақида адабиётшунос олим ва файласуфларнинг нашр этаётган тадқиқот ва илмий рисолаларини иштиёқ билан ўқиб, ўрганиб бораман, улар мени ҳайратга солади. Қаҳнус сингари тириклай "ёнган", "бир парча чў" бўлиб ўтиб кетган Машраб маънавиятини халқимиз тушуна оляптими ёки унинг ота-бобларимиз қалбига ўрнашган шеърятдан бугунги авлод баҳрамид бўляптими? — деган саволлар мени қийнади.**

Шу маънода яқинда "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан Машраб "Девон"нинг чоп этилиши айни муддао бўлди. Уни Файбулла ас-Салом таъбири билан айтганда, "чинакам халқ академикги", машрабшунос Жалолдин Юсупов қариб 30 йил давомида тартиб, сайқал бериб нашрга тайёрлаган.

Жалолдин Юсупов узости Файбулла ас-Саломни чексиз эъзозлайди. Шунинг учун бўлса керак, "Девон"га сўз бошини маромига етказиб ўзи тайёрлаган бўлса-да, энг аввало Файбулла ас-Саломнинг "тилларида достон" илмий-оммабоп мақоласини китобхонлар ҳукмига ҳавола қилган. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда "Кимсиз шоирлар пири"га айланган шоир меросига яна халқ эга чиқди. Машраб том маънода халқ шоирига айланди. Бу ҳол Машраб шеърятининг халққа ақинлиги, халқчиллигида эди.

Машраб "Девон" муқаддимида Жалолдин Юсуповнинг "Уни девонаи Машраб дерлар" номи чукур фалсафий салмоққа эга бош мақоласи эълон қилинган. Мақоланинг мазмун ва моҳияти машрабшунослар учун ўта қимматли ва илмий аҳамиятга эгалиги билан ўзига ҳосидир.

Жалолдин Юсупов Машраб ҳаёт йўлининг деярли ҳамма қирраларини мазкур мақолага жойлаштиришга эришган. Аввало, у шоирнинг ота-онаси, синглиси ва у яшаган ижтимоий-маънавий муҳит ҳақида маълумот берган. Сўнгра шоир ижод йўли ва у кезган ҳудудлар ҳақида батафсил тўхталган. Айниқса, Машрабнинг Намангандаги биринчи узости Мулла Бозор Охунд билан, кейинчалик Қашқардаги пири муршибиди Офохож билан муносабатлари, узостининг унга тасаввуфий илмлар бериши, солиҳ сифатида тариқат йўлига кириши ва сулуқатни қабул қилиши, пирининг маънавий раҳнамолиги каби масалаларни тадқиқотчи-олим даражасида таҳлил этган. Машрабнинг пири комили Офохождан умиди катта эди. Чунки Жалолдин Юсупов таъкидлаганидек, "пири муршибиди сайқалгаридек" Машрабдаги истезод ва туғма валийлик ҳаммага ҳам Яратган томонидан берилмайдими. "Қиссаи Машраб"да шундай жум-

лалар бор: "Ҳазрат подшоҳим (яъни Офохож) Машрабни қабатларига оладилар. Зоҳир кўзларини юмиб, ботин кўзлар билан хабар оладиларки, Машраб чироғига филта кўйиб, филтани тайёр қилиб, равшан қилғоли пири комил топмай юругон экан. Ҳазрат подшоҳим айтдиларки: "Аюҳаннос, сизлар гувоҳ

бўлингларки, бул девонанинг отини Машраб қўйдим, Аллоҳу акбар", деб фотиҳа ўқидилар. Андин сўнг девонанинг оти Машраб шухрат топди ва лекин отлари Раҳимбобо эрди".

Жалолдин Юсупов таҳлилда айтилишича, Машраб форсий ва туркийда Умам, Риндий, Маҳдий тахаллусларини қўллаган. У Машраб исмининг луғавий маъноси ва сифатларини кенг изоҳлаган: "Машраб" арабий сўз бўлиб, луғавий маъноси жуда чуқур ва кенг маънога эга. Машраб 1) майл, ҳавас, завқ; 2) сув ичиладиган ва олиннадиган жой; 3) сув, шароб ва х.к. нўш этиладиган идиш; 4) бахш, баҳра, насиба, 5) ғоя, маслак; 6) хулқ-атвор, хислат; 7) маънаб каби маъноларни ифодалайди.

Шоирнинг халқ орасида "Девонаи Машраб" лақаби билан машҳурлиги ва уни шеърларида қўйидаги маъноларда қўллаганлигини таъкидлайди: Машраб — маънаб; Машраб — яхши феъл-атвор; Машраб — гўзал табиати; Машраб — гўдакдек покиза, маъсум, беайиб, бегуноҳ; Машраб — яхши хислатли; Машраб — эзгу йў-фикри; Машраб — эзгулик чорловчи, илоҳий муҳаббатни тараннум этувчи; Машраб — барча мўминларга маънавий баҳра берувчи; Машраб — миллат ва дин равнақи, эҳтиёжи учун насиба этиб Аллоҳ томонидан фазилат ва кароматлар соҳиби модарзод авлиё қилиб яратилган, эли ислом ахлоқи асосида яхши табиатли, хушхулқ қилиб тарбиялашга, чанқоқ қалбларга ўзининг феъл-атвори,

яратган асарлари билан наф етказувчи ва ниҳоят, Аллоҳ ишқи кўйида хонумонидан, дунёвий орзу ҳаваслардан, ўзигидан, боринки, бу фоний дунёда Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан мосуво, мард ва фидойи ошиқи девона.

Таъкидлаш жоизки, Ж.Юсуповнинг ҳозирда шахсий кутубхонасида мутафаккир шоирга тааллуқли деб ҳисобланган 27 хил турли қўлёзмалар сақланмоқда ва тадқиқотчи уларга ишлов, сайқал бериб, нашрга тайёрламоқда. "Машрабнинг бадиий мероси" мавзусида Ж.Юсупов Эшонни Шоҳ Машрабнинг бизгача етиб кел-

## Машраб «Девон»ини ўқиб...



ган қўйидаги асарларини таҳлил этиб, улар ҳақида муҳтарам маълумот берган:

1. Лирик шеърлар: газаллар, мустазоллар, мураббаълар, мухаммаслар, мусаббаълар ва бир мусамман, бир маснавий ҳамда рубоий ва фардлар.
2. "Мабдаъий нур" ("Нурларнинг бошланиши" ёхуд "Нурлар мансабиси").
3. "Кимё".
4. "Қиссайи Вайсул Қараний".
5. "Қиссайи Мъерожи Расул Акрам с.а.в".

Ж.Юсупов Машраб "Девон"ини "1-китоб" деб ҳисоблаб, қўлида сақланаётган ва яқин келажакда нашр этилиши лозим бўлган унинг мероси яна бир неча китоб бўлишини орзу қилган.

Маълумки, илмий жамоатчиликда "Мабдаъий нур" муаллифи ким эканлиги ҳақида мунозарали фикрлар мавжуд. "Мабдаъий нур" жуда мунозарали, жуда кўп олимлар қаршилик Машраби Рўзобий Соний қаламига мансуб деган фикрни изҳор этган эдилар. Қашқардаёқ олим Поён Равшанов ҳам матбуотда чиқиш қилиб, "Мабдаъий нур" Машраби Рўзобий Сонийнинг эканлигини таъкидлаган эди. Лекин, нимагадир Поён Равшанов бу мавзуга кейин қайтмади, "Мабдаъий нур"га Рўзобий Сонийни даъвогар қилмади.

Бошқа олимлардан фарқли холда Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолдин Юсупов "Мабдаъий нур"ни ўрганиб, уни Машраби Рўзобий Сонийга тааллуқли эмас, ҳақиқий Бобораҳим Машраб асари эканлигини исботлайди. Жалолдин Юсупов жуда кўп

### Мерос

мулоҳазаларни ўрганиб чиқиб, асарни синчиклаб таҳлил этиб, масъулиятни бўйнига олиб турган фикр ва қарашларни бир томонлама эканлигини, масаланинг моҳиятига, илдизига чуқур етиб бормаганлигини таъкидлаб, қатъий ҳолда фарзлар нисбийлигини четга суриб, "Мабдаъий нур" муаллифи Бобораҳим Машраб эканлигини исбот қилган ва қўйидаги фикрни келтирган:

"Мабдаъий нур" Машрабнинг асаридир. Бу китоб Машрабнинг пирилари Ҳидоятулло Офохожанинг топшириқлари билан ёзилгандир. Китобни ёзишга киришишдан аввал Машраб Жалолдин Румий ва Аҳмад Яссавий жанобларининг руҳоний руҳатларини оладилар. "Мабдаъий нур" Жалолдин Румийнинг "Маънавий маснавий"ларидан тазмин қилинган байтларнинг туркий — ўзбек тилидаги шарҳларидир".

Қисқаси мен Жалолдин Юсупов хондонда "Мабдаъий нур"нинг 19 турдаги қўлёзма вариантлари борлигига гувоҳ бўлдим. Назаримизда Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолдин Юсуповлар Машраб тадқиқотчилари ҳисобландилар. Бу соҳада олимлар адашган эмаслар.

Муҳтарам олимимиз, форс ва туркий тиллар билимдони Ҳамиджон Ҳомидий ҳам "Мабдаъий нур"ни Бобораҳим Машраб асари эканлигини ҳар бир қишқирда таъкидлаб келмоқдалар.

Девонга Машрабнинг аввал эълон қилинган, лекин тоталитар тузум даврида баъзи байт ва мисралари олиб ташланган, эндиликда тўлдирилган, бунинг ичиде ҳали эълон қилинмаган жами 380 та газал, 21 та мустазол, 4 та мураббаъ, 78 та мухаммас, 7 та мусаббаъ, 2 та мусаббаъ, 1 та мусамман, 1 та маснавий, фардлар, тўртликлар, лугат ва изоҳлар ўрин олган.

Ж.Юсуповнинг олимлик салоҳияти шунчалик сарбаландки, девондаги мураккаб сўзлар изоҳларига роса 50 бет лугат ва изоҳ тузган.

Девон жуда ҳам — атиги икки минг нусхадагина чоп этилган. Умид қиламизки, буюк шоир ва мутафаккир, Авлиёи Ҳақ шеърятини халқимизнинг боқий меросига айланади.

**Мўмин ҲОШИМХОНОВ,**  
фалсафа фанлари номзоди,  
доцент.

### Дунёнинг ишлари

Шуниси қизиқки, инглизлар ва америкаликлар турли тезликда сузлашишар эканлар. Инглизлар ҳар дақиқада 220 бўғин гапирсалар, америкаликлар бор-йўғи 150-175 бўғин сўз айтишади.

Ер кўраси бўйлаб саёҳат қилган инглиз руҳшуноси Майкл Арчил кўпчилик халқларнинг имо-ишора билан гаплашишларини ўрганди. Финлар бир соат давом этган суҳбат чоғида ўрта ҳисобда 1 та имо-ишора, италияликлар 80 та, французлар 20 та, мексикаликлар эса 180 та имо-ишора қилишар экан, деб хабар қилади Бельгияда чоп этиладиган нуфузли журналларидан бири.

**Анвар ИНОҚОВ тайёрлади.**

### Наполеоннинг сўнги хатоси

1816 йил. Муқаддас Елена оролига умрбод бадарга қилинган Франциянинг собик императори Наполеон Бонапарт ўзининг яқин дўстидан совга олди. Бу совга доналар фил суяғи ва нефритдан ясалган шахмат эди.



Наполеон ҳар куни бу нозик шахмат доналарини қўлига олар ва завқланибди. Кейин эса ўзи билан ўзи уйнади. Машҳур мақбур вафот этганидан сўнг бу шахмат бир неча бор қимосида савдосида жуда қимматга сотилиб, қўлдан-қўлга ўтиб юрди. Фақатгина яқинда ушбу тарихий шахмат доналарининг энг кейинги эгаси тўсатдан доналар тағи буралиб

очилишини, унда оролдан қочишнинг батафсил режа — харитаси борлигини билиб қолди. Наполеон ана шу шахмат донасининг тағини очиб, унга жойлаштирилган "план"дан фойдаланиши ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Тақдир Наполеон Бонапартни яна бир мот қилди, деб ёзади Швецияда чоп этиладиган "Дагенс нюхетер" газетаси.

**Ким тез гапирари?**

Бир йил ўтказилган лингвистик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, французлар ҳар дақиқада ўрта ҳисобда 350 та бўғин талаффуз этишар экан. Немислар 210 та, Полонезия, Микронезия ва Меланезияда яшовчилар эса асирча, дунёда энг секин гапирувчилар сирасига киришади. Улар ҳар дақиқада 50 бўғин айтишади.

**Инсониятни доимо бир муаммо ўйлантиргани-ўйлантирган: қандай қилиб узоқ умр кўриш мумкин? Ҳатто бундан икки минг йил муқаддам буюк Лукреций ўз асарларида, жумладан, "Табиат ҳақида" номи китобиде бу масала юзасидан мулоҳазалар билдирган. Ҳўш, одам узоқ яшай олмаслигига нима сабаб? Қарши-қартайишнинг боиси не?**

Аввало, шуни айтиш керакки, ҳаёт ҳамма нарсаи ўз измига солади. Инсоннинг кексайиши ҳам маълум қонуниятга асосланган. Қолаверса, олимларнинг таъкидлашларича, қариллик қатор касалликларнинг ривожланишига туртки бўлади. Ёши бир жойга бориб қолганлар кўпроқ атеросклероз, рақ, қандли диабет, артериал гипертония, юрак ишемияси хасталикларидан вафот этадилар. Бу касалликларнинг пайдо бўлиш механизмини тушуниш учун эса, қарилш ва ёш патологияси (азъолардаги касалликлар, ёш ортиб бориши билан организм ҳаёт фаолиятида бўладиган ўзгаришлар) ўртасидаги алоқани аниқлаш лозим. Бунда бир неча кўринишлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Тиббиётнинг отаси Гиппократнинг таъкидлашича, узоқ умр кўришга жисмонан машқ қилиш, тоза ҳавода айланганининг ўрни бўлакча. У қарилли 70 ёшда бошланади, деб ҳисоблайди. Пифагор эса қарилш инсон ҳаётининг охириги 20 йилни — 60 дан 80 ёшгача бўлган даврни қамраб олади, деб таъкидлаган.

Бошқалар ёш кетишини эҳтимоллик жараёнига йўйиб, у организмга қўлдан-қўл ички ва ташқи омилларнинг таъсир этишидан, дейдилар.

Менимча, генетик ўзгариш қариш эмас, балки организмнинг бузилиши билан боғлиқ моддалар алмашинуви жараёнидир. Ҳаёт ана шу қонуниятга асосланади. У ҳар қайси организмда турлича кечиши мумкин. Масалан, сичқон 2 йил, фил 100 йил яшайи аниқланган. Бундан битта хулоса чиқади: қариш қачон бошланади, деган гапга ўрин қолмайди. У жинсий хужайралар уруғланиши билан бирга ривожланади. Гап шундаки, табиатда баъзи мавжудотлар 300 йил, ҳатто минг йилгача яшайи мумкин. Аммо... нега инсон эмас?

Узоқ яшаш сирини кашф этиш ҳозирги даврнинг муҳим муаммоларидандир. Бу йўналишда анчагина ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Олимларимизнинг тимисиз изланишлари тўғрисида касалликлар, айниқса, юқумли хасталикларга қарши курашининг самарали усуллари ишлаб чиқилди. Кишиларнинг

яшаш шароити ўзгарди, ижтимоий аҳволи яхшиланди. Аммо, шуниси ажабланишлики, бир неча минг йиллардан буён инсоннинг умр кўриш имконияти биологик жиҳатдан ошган эмас. Тадқиқотчиларимиз ҳозир

волаш кенг тараққий этганлиги ҳаммага маълум. Улар ичиде узоқ умр кўриш нуқтаси деган тушунча айнақсат шухрат қозонган. Бу ҳақда қатор афсона, ривоятлар мавжуд. Улардан бирида айтилишича, Кун-



бу ёшни 90 атрофида деб ҳисобламоқдалар. Аслида-чи? Ахир дунёда бундан ҳам узоқ умр кўрувчилар бор-ку!

"Ёшини яшаб, ошини ошаганлар" ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, улар жуда озчилик бўлиб, 115-120 ёшгача умр кўришган. Кавказда бу кўрсаткич бироз юқори бўлиши мумкин.

Шарқ халқларида игна билан да-

турт кунда жисмидаги узоқ яшаш нуқтасини қуйидаги турман.

Сўнгра Матле йиғилганларга ўша нуқтани кўрсатибди.

Бу, эҳтимол, афсонадир, аммо олимлар ҳозир узоқ умр кўриш нуқтасини қўзғаш организмни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатишига, инсоннинг узоқроқ умр кўришига имконият туғдиришига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

### Хунари кам бўлмас

## Этиқдўз нима дейди?

Кунлар совий бошлаши билан буюм бозорлари-ю дўконлар янада гавжумлашди. Қишқи кийим-кечақлар, иссиқ пойабзалларнинг савдоси қизиди.

Тунов кунни мен ҳам шу ташвишда бозор айландим. Маҳсулотларнинг тўқинлигидан, танлаш имконияти юқорилигидан ажиб қониқуш туйдим. Лекин бозор тўла этиқдан биронтасини харид қилолмадим. Негаки, кўриниши тузуқроқ этиқларнинг сифатидан кўнглим тўлмади. Сифатлиларини эса чўнтақ қўруғур кўтармади.

Ноилоҳ, ўтган йилги этиқни "янгилаш"га қарор қилдим. У ёқ-бу ёғини тўғирлаш учун этиқдўзга олиб бордим.

— Ассалому алайкум! Ҳорманг, уста! — дея мулозамат билан гап бошладим. Чунки, пойтахтимиздаги аксарият қосиблар, одатда, Фаргона водийсидан бўлишади ва ҳаммаси ширинсуханликни ёқтиришади.

— Ие, келинг, ука! Саломатликлар яхшими? — деди у ҳам эллиқ йиллик қадрдонини кўргандай. Очиқ чехралик билан кўришиб, қўқонча шевдада анча сўрашди. Шундан кейингина масақдага кўчиди.

Мен пакетдан этиқни чиқариб, камчиликларини бирма-бир кўрсатдим. Қосиб акамиз эса мени эшитиб ҳам қўлидан ишини қўймади, бир ой этиқни тиззалари орасига қисганча, таъмиру тадбирдан тинмасди. Ёнидаги саватда эса саккиз-ўн жуфт пойабзал қалашиб ётибди.

Қосиб менинг оёқ кийимимни ҳам олиб, "қасали"ни аниқлади-да, ўша саватга иргитди. Ҳаммасини навбат билан тузатишини, икки-уч соатдан кейин келишим лозимлигини айтди.

Мен эса совуққотганимни баҳона қилиб, шу ерда қутига изн сўрадим ва ёнидаги ўриндақча ўтирдим. Аввалига у ёқ-бу ёқдан гаплашди. Аския қилган бўлди. Кейин қизиқиб сўрадим:

— Ака, боа икки-уч соатда бақат олишимни айтивдингиз. Шугина вақт ичиде шунча оёқ кийимни таъмирлашга улгурасизми?

— Ҳа, бемалол улгурса бўлади, — деди қосиб акамиз.

— У ҳолда бир кунда 25-30 жуфт пойабзални созилаб қўйаркансиз-да.

— Ҳа, шундай. Лекин буюм мавсумга қараб ўзгариб туради. Масалан, куздан кишга ёки қишдан баҳорга ўтилаётган вақтларда иш кўп бўлади. Яна шанба, якшанба кунлари ҳам бошқа кунларга нисбатан "заказ"лар кўпаяди.

— Кунига йигирмата пойабзал тузатганингиздаям озмунча меҳнатми? — дейман яна гап қавлаб.

— Ҳа, энди ишнинг осони бўлмайди, дейишарди-ку. Шундайин, биз қўмирлаб тураверайлик-чи, Худо баракасини берар.

— Қўйсангиз-чи, камтарликни. Йигирмата оёқ кийимнинг ҳар бирини 2-3 минг сўмдан тиккангиздан кейин, роса «баракасини бераётгандир».

— Бекорчиликда бировнинг пулини ҳисоблаш маза-я, — дейди у жилмайиб, сўнг қўшимча қилди:

— Ҳазиллашдим. Ростдан ҳам, яхши топса бўлади. Мана, яқинда Аҳмаджон ака деган қўшимши икки ўғли билан бир «сезон» ишлаб кетди. Қишлоққа борсам, янги уй солишибди. Энди ёзгача ишлаб, ўғлини уйлаб ҳам қўймоқчи. Ҳалол касб-да, баракаси бор.

— Биз 150-200 минг сўм учун бир ой ишлаймиз. Сиз уни ўн кунда топаркансиз.

— Нима иш қиласиз? — дея сўради у киши ҳам қизиқсиниб.

Мен ҳам тўғриси айтиб: "Мухбирман" дедим. "Шунинг учун ўсоқчилаётган экансиз-да" дейди у қулиб.

— Ана, яшанг, — дея қосиб акамиз сўзида давом этди. — Газетда ишласангиз сизга нима керак? Бор-йўғи қоғоз, қалам ва шунга ўхшаш нарсалар. Биз эса иш учун зарур материалларни ҳам ўзимиз сотиб оламиз. Бунинг устига, илдан тортиб таққуймагача бир неча турда бўлиши керак. Ҳаммаинг диди ҳар хил-да.

— Уларни топаш ҳам қийиндир? — Йўқ, бу муаммо эмас. Янгиобод бо-

зорида юз хилни сотади. У ерга ўзимизда тайёрланганларидан ташқари Хитой, Россиядан ҳам товарлар олиб келинади.

— Қойил-ей, — дедим хайратимни яширолмай, — бизга майда майда туюлган пойабзал таъмири шунча босқичдан ўтаркан-да.

— Аслида, бу катта юмуш ҳам эмас, энг муҳим масала бўлиши керак. Ота-бобларимиз оёқ иссиқ тутилса, кишга касаллик яқин йўламайди, деб бекорга айтишаркан. Бунинг ҳаётийлиги тиббиётда ҳам исботланган. Билсангиз, дўхтирлар тез-тез касалликка чалинувчи одамларга оёқларини иссиқ тутишни тайинлайди.

— Демак, пойабзал сотиб олишда фақат унинг нархи ва кўринишига эмас, шу жиҳатларига ҳам эътибор беришимиз керак экан-да?

— Кўпчилик бунга жиддий эътибор бермайди. Масалан, аёлларимиз қоматини тик тутиш учун бандида пошнало пойабзаллардан фойдаланишади. Аммо бундай туфлилар 1-2 соатга мўлжалланган бўлади. Лекин уни бизда кун давомида кийишади. Бу эса умуртка поғонасига ёмон таъсир қилади. Қирқ ёшдан ошганларда эса тизза бўғимлари ўзгаришига олиб келади. 14-15 ёшдаги ўсмир қизлар, эллиқни қоралаган аёллар бундай оёқ кийимлардан умуман фойдаланмасликлари керак.

Ҳозир бозорларимизда хорининг арзон, аммо усти ялтироқ, ичи қалтироқ пойабзаллари кўпайиб кетган. Уларнинг хомашёси сифатсиз бўлгани учун ҳам одам замбуруғга ўхшаш турли касалликларни келтириб чиқаради. Бунинг олдини олиш учун пойабзалларнинг қандай чармдан тайёрланганлигига аҳамият бериш керак.

Масалан, оёқ кийим ишлаб чиқарувчи корхоналар ясси оёқлар учун пойабзал тайёрлашда шифокор тавсиясига танишади. Менимча, ҳар қандай турдаги пойабзал ишлаб чиқаришда ҳам улар билан бамаслаҳат иш олиб борилса, яхши бўлади. Қолаверса, мана, биздан маслаҳат олишсин. Қайси пойабзалнинг қарери мўрт, қарери зўр, яхши биламиз.

— Э, ака, сизни қосиб десам, зўр мухтассис ҳам экансиз-ку.

— Ҳа, энди биз ҳам эшитган-билганимизни гапирамиз-да, — дея қулди у.

... Уйлаб қолдим. Қосиб акамнинг гапларида ҳақиқатда жон бор. Бугун қайси бозорга кирманг, "Метборисол", "Жиерда", "Превалет", "Данки" сингари ўнлаб номдаги пойабзаллар "хорижники" дея қўлларга кўтариб сотилапти. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқли оёқ кийимларни эса ҳадеганда учратавермаймиз.

Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, дерсиз. Лекин юртимизда пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналар бўла туриб, нега энди бозорларимизни ўзга мамлакат товарлари эгаллаши керак? Яқин йилларга маҳсулотларининг сифатлиги билан ном қозонган Тошкент ва Фарғонадаги пойабзал фабрикалари бугун нима қилапти? Шу каби қосибчиликнинг хадисини олган этиқдўзларни жалб этиб, ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйса ёки кенгайтирса бўлмасмикан?

Шу пайт селлофан пакетнинг шигири ҳаёлимни бўлди. Қарасам, қосиб акамиз этиқни тозаллаб, пакетга ўраяпти.

— Мана ука, пойабзалингиз. Тепкилаб кийиб юринг, — деди у пакетни узатаётиб.

— Сиздан, ҳай майли, мухбир экансиз, уч минг эмас, икки минг сўм.

— Раҳмат, ака. Барока топинг. Ишқилиб қишдан чиқадиган бўлдимми?

— Бесар юришингизни, бекунг ва бепарволигингизни қўйсангиз, икки қишдан ҳам қикасиз.

— Бепарволигимни қандай билдингиз, бехуда юришимни қаерда кўрддингиз? — Қосибнинг бу сўзларидан жиндек хафа бўлгандек хайрон бўлиб сўрадим.

— Пойабзалингизга қаранг. Шунинг ўзи етарли, — деди этиқдўз.

**Анвар САМАДОВ,**  
"Хуррият" мухбири.

### Саломатлик

муаммолар турибди. Уларни ҳал этиш инсоният келажагида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Ушанда балки ёш ўтган сайин кишининг интеллектуал кучи ва ижодий иш билан шуғулланиши камайиб боради, деган гапларга ҳожат қолмас. Бинобарин, ўтмишда, "буюқ қарилар" бу фикрни инкор этадиган даражада ишлашган: Гёте, Пикассо, Стравинский, Рубенштейн 80 ёшларда энг бебаҳо асарларини яраттишган. И. П. Павлов шу ёшда илмий ишлар ёзган...

Вольтер бежиз айтмаган: "

Спорт



Япония яшил майдонларида футбол клублари ўртасида ўтказилган жaxon чемпионати кизгин паллага кирди.

«Милан»нинг ярим финалдаги рақиби

Унда чорак финалнинг биринчи йўлланмаси учун қўтамаизнинг икки вакили — Эроннинг «Сепан» ва Япониянинг «Урава ред Даймондз» жамоалари баҳс олиб боришди.



мамлакат жей-лигасининг сўнги тўрт учрашувида бор-йўғи икки очко тўплашди ва чемпионликни «Камондз» жамоасига бой бериб қўйди.

Шунга қарамай, немис мурабий Хольгер Озик қисқа фурсатда шоғирдларини руҳлантира олди. Ана шу тўфайли халқара мусобақанинг ярим финалига йўл олишга муваффақ бўлди.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ

Юрий Сёмин «Динамо» (Киев)ни бошқаради



Футбол бўйича россиялик тажрибали мураббий Юрий Сёмин «Динамо» (Киев, Украина) жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди.

Юрий Сёмин расман янги йилнинг 1 январидан иш бошлайди. Унга шу кунга қадар «Динамо»да бош мураббий бўлиб ишлаган Олег Лужний ёрдамчилик қилади.

Эслатиб ўтамиз, Юрий Сёмин бош мураббий сифатида аввалроқ «Локомотив» (Москва) жамоаси билан икки марта мамлакат чемпионлигига сазовор бўлган.

«Динамо» (Москва) футбол клуби президентининг лавозимида ишлади. Темирўлчиларнинг қониқарсиз натижани қайд этганликлари боис, Сёмин яқиндагина ўз вазифасидан озод этилган эди.

Эркин ҳақиқат

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг эълон қилиниши асосида аҳоли саломатлиги муҳофазасига тегишли қанчадан-қанча олижаноб ишлар амалга оширилгани, жорий йилнинг сентябрь ойида эса Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиши янада чуқурлаштириш Давлат дастурини амалга ошириш»



нинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганлиги ҳам юқоридаги мулохазаларимизга далolat бўлиб турибди.

Маълумки, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган Курултойида Президентимиз сўзлаган нутқида халқ саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги беқибс ўзгаришларни ва бу соҳага эътибор бундан сўнг ҳам устувор вазифалардан бири бўлиб қолшини таъкидлашди.

Жумладан, мамлакатимизнинг кишлоқ ва туман марказларида қуриб ишга туширилган минглаб замонавий тиббиёт му-

ассасалари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга тубли равишда ижобий таъсир кўрсатганини, айниқса, чечак ва қизамик, терлама ва безгак ҳамда вабо сингари оғир юқумли касалликлар батомом барҳам топганини қайд этиб ўтдилар.

Табиийки, бу ўзгаришларнинг барчаси ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун биринчи навбатда, ривожланган иқтисодий ва моддий база лозим бўлади. Чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган самарадор тизим ва албатта, пухта тайёргарликдан ўтган ана шу долзарб вазифаларни ҳал қила оладиган малакали кадрлар ҳам керак.

Ана шулар ҳақида фикр юритар эканман, вилотимиздаги барча даволash муассасалари қаторида юқумли касалликлар шифохоналари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техника мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар сафини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилаётганини кўз олдимга келтираман.

Бунинг дилини сифатида Турғунбой Нишонов, Оллоёр Тожиматов, Шаҳобиддин Насриддинов ва Санамхон Ҳожиёвалар бош шифокор бўлган Марғилон, Ёзёвон, Ўзбекистон, Қўқон ва Қувасой юқумли касалликлар шифохоналаридаги буғунги ўзгаришлар, бу ерда яратилган шарт-шароит ва кейинги йилларда олинган тиббий жиҳозларни айтиш ўринлидир.

Ҳа, юртимизда тиббиётга кўрсатилган эътибор — халқимизнинг саломатлигига қилинган эътибордир. Биз бу эркин ҳақиқатни дилимизда қувонч билан айта оламиз.

Қодиржон АЗИМОВ, Фаргона вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори.


Ҳар қандай соғлом фикрловчи инсон учун шу нарса аёнки, бир мартагина яшаш ўтиш имкони берилган ҳаётимизда тинчлик ва саломатликдан улурок неъмат йўқ. Ана шу нукта назардан олиб қараганда, юртимизнинг аввало муваққиллик баҳига мушарраф бўлиши ва истиқлол йилларида инсон учун гамхўрлик тамойили юксак мақомга кўтарилиши, хусусан, осуда ва бунёдкорона ҳаётнинг қарор топиши, Конституциямизда белгиланганидек, «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» эканлиги ва ниҳоят, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги муҳофазаси устувор вазифалардан бирига айланганлиги ҳар биримизнинг шууримизда ўз нуқсонидан баҳосини топишга керак.

Юртбошимиз Ислон Каримов «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади», деб беҳиз айтмаганлар. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу қаторда бизнинг Фаргона вилотида ҳам истиқлол йилларида рўй берган тарихий ўзгаришлар халқимизнинг кўтаринки руҳи ва шижоатидан, эртанги кунга бўлган чуқур ишончидан далolat бериб турибди.

Яқинда Фаргона водийси бўйлаб сафарда бўлган озарбайжонлик бир касбдошимиз: «Ўзбекистонда айниқса, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимида амалга оширилган ислохотлар бир даврнинг ўзида муваққилликка эришган Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида қўлам жиҳатдан ҳам, шиддат жиҳатдан ҳам устувор эканлигига ишонч ҳосил қилдим», деди. У минг қарра ҳақ.

Узимиз ҳам бир эслаб кўрайлик: юртимизда аҳоли соғлиги муҳофазаси, даволash муассасалари фаолиятини модернизация қилиш ва жаҳоннинг энг пешқадам давлатларидаги тиббий хизмат маданияти ан-

Акмап Нур: «Асарларим эртак каби дунёни ажаблантиришини истаيمان...»



Қандай воситалар билан ифодалаш мумкин бу дунёни? Товушлар биланми? Ранглар биланми? Унда қанчалар товушлар янграйди, қанчалар ранглар нур сочади. Табиат ва ҳаёт нафаси ҳар лаҳза қон томирларимизда уриб турса-да, бу дунёни ўзимизга сиғдириш нақадар қийин!

Яқинда Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмап Нур асарларининг Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳамгармаси ҳамкорлигида Москвада «Софком» галереясида кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унинг ўзига хос миллий, замонавий, шарқона, фалсафий, мушоҳадага бой рангин лаҳзаларда оламни муҷассамлаштириб, руҳиятга йўл топган асарлари мамлакатимизда алоҳида эътиборга лойиқ.

Мунаввирнинг устахонасига кириб гўё ўзимни сеҳрли оламда кўргандек бўлдим. У сукут ичра ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган «Жаннат нафаси» номли янги картинаси оғушда экан, мен билан суҳбатлашганидан олдин кундалиқ дафтарини ўйчангина қўлимга тутди.

«Уйқусизлик қийнаб, бедорлик ҳукм сурган бир кечада она-табиат олтин либос кийган ойларида ҳаётимнинг қирқ саккизинчи кунини яшайман.

Тонг отишига ҳам анча бор. Қуз кўнглиларга оз бўлса ҳам гамгинлик олиб келса-да, мен учун ўзгача, сирли бир ҳолат бердиким — мен яна дунёнинг яъни инсониятнинг энг гўзал сиймоси Аёл тимсолига мурожаат қилдим. Ҳаётимнинг боши ҳам, охири ҳам ёзиладиган — онадек улур номга ва фарзанддек ҳаёт маъносига эга бўлиш арафасидаги — ҳомилдор аёл. Илоҳиятга даҳшдор бу сиймода борлиқни ҳамма гўзалликлари мукаммал даражада бисёрдир.

Аёлнинг бу ҳолати Яратганимиз бизга кўрсатган энг катта илтифоти бўлиб, шу билан бирга англаб бўлмас сирди ҳамдир. Аёл бу ҳолатда дунёнинг асл

бахти бўлмиш — аёллигини ҳис этади.

Унинг сирли кўриниши тонгда очилган гунчани гул бўлиб атрофга анбар ҳидлар таратишини эслатади. Гул атрофида қушлар сайрайди, унинг нурларидан борлиқ баҳраманд бўлиб, фарзанд деб аталмиш ширин мўъжизадан жаннат нафасини сезасиз.

Мен эса бу мўътабар сиймо пойига тазарруҳ айлаб тиз чўкмаман»

— Акмап ака, асарларингизнинг моҳияти ички бадиий услуб мазмунида талқин этиш мумкин. Негадир, Аёл образини тасвирлашда классик услубдан янгича, ўзига хос тиник, кескин, содда ва мавҳум формаларни топишга ҳаракат қиласиз. Бунинг боиси нимада?..

— Менинг ҳаёлий оламим билан ҳаётий дунёим ҳамма вақт ҳам бир хил эмас. Ижодда ҳам, руҳиятимни ҳам жилловлаш қийин. Рухим софликдан юксалади. Кўнглимни покловчи асарлар яратиб иштиёқда ёнаман. Мақсадим, дунёни руҳан идрок қилиш, унинг сукунати, галаёналарини бўёқларда акс эттириш, ҳаётнинг гўзаллигини, баркамоллигини ва мангулигини мушоҳада этиш билан бирга борлиқни руҳан англаб, ҳали ҳеч кимга айтиб улгурмаган, сўз билан ифодалаб бўлмас кўнгли дардларини чиқиб, юракларга ёрулик олиб кирсам дейман. Мен яратган асарларим худди эртак каби дунёни ажаблантиришини истаيمان. Бўлмаса, ўзимдан қониқмайман, изланишдан, ўз устимда ишлашдан тўхтамайман.

— Айтинг-чи, гўзаллик фақатгина сюжет ва образларнинг ёркинлигидами?

— Гўзаллик композициянинг уйғунлигида, рассомнинг маҳорати билан муҷассамлашади.

— Унда суҳбатимиз бевосита маҳоратга келиб такалади. «Болалик оқшони», «Илоҳий рияш», «Мажнун», «Фаришта», «Венеция» каби асарларингиз ўқиб билим олиш бошқа, ҳаётни кўриб илғаб олиш маҳорати ҳаммага насиб бўлавермайдиган ҳодиса эканлигини аниқлаш менга.

Умуман, ўз маҳорати билан ўзгаларни баҳраманд қилаётган рассом ижодида атроф муҳитнинг, устозларнинг ҳиссаси қай даражада бўлган?

— Дарҳақиқат, санъат сари дандил одим отиб, ўз ҳаётини нафосат билан боғлаган пайтлар

римданок табиатнинг ранг-баранглиги руҳимга кўчган бўлса, атроф-муҳитнинг ва унда яшайётган одамларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ўй-хаёллари, оруз-умидларини ўрганиш, юракдан ҳис қилиш ва рангларда жилловлаш осон кечмаган, албатта.

Менимча, кўнгли кўнглига тўри келадиган, руҳан яқин, ҳаёт тарзи ҳаётингга ўхшаш инсонни устоз дейиш мумкин. Мана шундай устозларимдан Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзйбоев дастлаб ижодим билан танишиб, «Бинков» номли рассомчилик билан юртига етаклаб борди. Имитхонда берилган топшириқни маромига етказиб бажаролмаганман. Ушанда домла Дилёр Имомов ҳали устоз кўрмаганли-

Учрашув

гимни инobatга олиб, қўллаб юборганди. Ундан ташқари Италия рассоми Рафаэль Санги менинг севган рассомим.

Диплом ҳимоямда эса хассос рассом Рузи Чориев ҳам қатнашганди. Диплом ишим тарихий мавзуда ишланган «Бобур Самарқандда» асари тақдим этилганди. Рузи Чориев синчковлик билан ижодий ишимага разам солар экан, картонни тепасини ким кесганиниги сўради. Мен ўшанда истихола билан бир ўқитувчимнинг номини айтгандим, устоз бу этод ана пишиқ ишланганлигини, ҳаётда бошқа асарларини кесишларига йўл қўймаганини айтганди. Аслида, ҳар кимни ҳам ҳаёт пишиқиди, тоблайди. Яшашга, ишлашга бўлган интилиш ҳисси камол топтиради. Агар ижод жараёнида жиддийроқ ўтириб ишласа, маҳорати шаклланиб ўз йўлини топади.

— Кейинги пайтда кўргазмаларда ёш рассомларнинг асарлари «ярқ этиб» кўринмаётти. Баъзи кўринмаётганларининг ишлари эса Европа нукта назарига мослашган. Уларга келажакда миллий руҳда йўғрилган асарлар яратиш учун нималар тўқсинлик қилаётти?

— Кўпгина истеъдодли ёш рассомларда ҳаёт нафаси, кенг қамров, қатъийлик ва сабр-бардод етишмайди. Баъзиларида эса маҳорат етишмай урингани уринган, чизгани чизган. Лекин бирор ижобий натижага эриша олмайдилар.

Анди Матисс «Мунаввир бўлишни истасанг тилингни су-

гуриб ташла», деб беҳизга айтмаган. Рассом гапирмоқчи бўлган дилидаги гапини ранглар орқали томошабига етказди. Мана шунданга томошабин билан рассом ўртасида асар орқали мулоқот юзага келади. Бунинг учун рассом ҳаётга мурожаат қилиши керак. Ҳамма иллат эса эринчоқликдан келиб чиқади. Рассом ўз она юртининг тарихини билмаса, одамларнинг оруз-ўйларини юракдан ҳис этмаса, улар билан яшамаса ўқир психолог бўлма-са, миллий мукаммал асарни қаёқдан ҳам яратсин.

— Бахтининг қалити оилада дейишди. Рафиқангиз санъатшунос олима Камола Оқилова ҳам ҳаётда, ҳам ижодда сизга камарбаста, ҳамфикр бўлсалар керак...

— Камолахон тасвирий санъатни жуда нозик тушунади. Устахонамга келганларнинг кўпчилиги асар қандай дунёга келиши, фирқининг тугилиш сабаблари билан қизиқишади. Фақат Камолахонгина асарларини ҳаёллари маҳсули эканлигини тушунади. Бахтин шунданки, қизларим Чарос, Гузал, Мунис ҳам тасвирий санъатни севишади.

— Келажакда қизларингизнинг ҳам рассом бўлишини хоҳлайсизми?

— Хоҳламайман. Чунки рассом расм чизиб эмас, расм билан яшай керак. Қизларимнинг эса бахтли бўлишини истаيمان.

— Ҳар доим кўргазмаларингизга борсам, асарларингизга ҳаяжон ила боқаман. Мовий, қизил, оқ ва бошқа рангларни топа олганингиздан ҳайратланаман. Булар умидлар рангинми?

— Ҳаёт — ҳаракат, кураш, оруз-умид, аччиқ изтироблару ширин армонлар билан гўзал. Базан ёмғир шитиридек гўзал лаҳзаларнинг ранг-баранглигини, умр баҳорларнинг келиб-кетганлигини гоҳ сезамиз гоҳ сезмайми. Яратган кўнглимга дард берганлиги бахтим бўлса, қўлимга соҳир қалам тутгани изтиробим, масъулиятим ҳамдир.

Ниятим, инсонлар асарларим сингари оруз-умидлар билан яшасин.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

Бойлик молнинг кўплигида эмас, кўнглининг тўқлигидадир. Абу Лайс ас-САМАРҚАНДИЙ

Хандалар «У билан танишганимда...»

- Сизга бош билан ишлаш сира мумкин эмас! - Бунинг иложи йўқ, дўхтиржон. Мен ҳамиша бош билан ишлайман. - Нима, сиз ижодкормисиз ёки олимпмисиз? - Йўқ, мен оддий сартарошман.

Бир хоним дугонасига мақтанаяпти: - Ана бу жанобни мен миллионер қилдим. - Қандай қилиб? - Қизиксинди дугонаси. - Жуда осон экан. У билан танишганимизда миллиардер эди.

Ота маст ҳолда уйига келди-да, ўғлига бақирди: - Тезда кундалигингни кўрсат, текшираман. Ота шундай дея ўзини диванга ташлади-да мудрай бошлади. Ўғил кундалиқни олиб келди: - Мана кундалиқ, дада! - Оч! - деди ота уйку аралаш. - Очдим! - Қуй!

Эр уйга фирт маст ҳолда келади. Хотин фиғони фаллака чикиб терговни бошлайди: - Яна ароқ ичасизми? Эр шўрлик миқ этмай тураверади. Хотин яна қистовга олади: - Жавоб беринг! Яна ичасизми? - Ҳа, майли, қуй!

Қайнона куёвига ўтмишини мароқ билан ҳикоя қиларди: - Ёшлигимда мен фирт тентак, содда ва жуда хунук бўлганман. - Ойижон, сиз жуда яхши сақлангансиз!

Икки оғайни учрашиб қолишди. - Хўш, қандай яшаясан? - Ҳа энди, бир амаллаб...Ўзимни ёмон ҳис қилганимда «Тез ёрдам» олиб кетади, яхши ҳис қилганимда эса — милиция...

Айбланувчи! Нега сиз жазманни эмас, хотинингизни ўлдирдингиз? - Жаноб судья, мен ҳар ҳафта биттадан уйнашни ўлдирганидан кўра битта хотинини ўлдириб қўя қолган афзалроқ бўлса керак, деб ўйлайман.

Эрталаб соқолини олаётган эр хотинига деди: - Негадир устара яхши ўтмаяпти. - Қизиқ, кеча консервани очганимда балодай кесганди-ку!

- Асабларингиз анча таранглашган, сизга хотиржамлик керак. Мен, масалан, шундай пайтларда хотинимни олиб, ресторанга бораман... - Маслаҳатингиз учун раҳмат, дўхтиржон, мен ҳам шундай қиламан. Қани айтинг-чи, хотинингиз қаерда яшайди?

- Иморатни жуда зўр қурибсан, дўстим, лекин негадир уйингнинг эшик-ромлари бир-бирига ўхшамайди, ҳаммаси ҳар хил? - Э-э, оғайни, мен бу уйни битиргунча унта қурилиш бошқармасида қоровул бўлиб ишлаганман-да!

Шодмон ОТАБЕК тўплаган.

HURRIYAT logo and contact information for the newspaper.

Advertisement for Abdurasul Zhumakul, a journalist and editor.

Advertisement for Viloyat Muxbirlari, listing contact details for various regions.

Advertisement for Sharq Matbaa, a printing company.